КУТУБХОНАСИ


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил. 26 март | 12(41)- сон


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ-ЎЗА МУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР НЕЧА САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.**

**САВОЛ: Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидениесида собиқ СССР ҳудудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусидаги фикрингизни билишни истар эдик.**

**ЖАВОБ:** Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, энди интеграциянинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ бу мўлжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларус Президенти ўртоқ А. Г. Лукашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар биз барчамиз шошилинч равишда интеграция билан шуғулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади, келажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот туғилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, бухрондан чиқолмайди,С деган баёнотларни доимо эшитиб турамиз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқитсодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир «конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустаҳамроқ бирор уюшма»га етишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кўтариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

**САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?**

**ЖАВОБ:** Бундай «ўта фаоллик»ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа бўлади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз халқининг, балки қачонлардир СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун куюнадиган киши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул ночорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳснинг ўзига ўрин йўқ: интеграция керак, мен ҳатто интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўргандагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафкурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат ўрнатган шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

**САВОЛ: Сизнинг назарингизда интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?**

**ЖАВОБ:** Биз давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда, сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичда турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча аввало ўзаро, бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтказиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хомхаёлга учмаслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, интеграция шунчаки интеграция учун эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зуғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

*Сиёсий фаолият майдонларида*

## НАЙРАНГ

Коммунистларнинг найранглари Россияда нега авжига миняпти? деган савол одамни ўйлантирмай иложи йўқ.

Бунинг сабабларини қидириб кўрайлик.

Биринчидан, Россияда ҳали сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароит етишмаслигига қарамай, демократиянинг жилови бирданига қўйиб юборилди. Натижада, том маънодаги етук демократия эмас, балки «чала демократия» шаклланиб, сиёсий майдонда тарқоқлик ва парокандалик юзага келди. Сиёсат жиловини ушлаб туриш ва уни бир мақсад йўлида бошқариш имкони қолмади.

«Чала демократия»га монанд равишда кўпдан кўп ожиз демократик партиялар ва гуруҳлар тузилиб, мамлакатнинг сиёсий салоҳияти заифлашиб кетди. Улар бир-бирларидан мустақил равишда иш юритишиб, ҳокимият учун курашишни биринчи вазифа деб белгиладилар. Демократик кучларнинг фожиалари шундан иборатки, аслида демократиянинг асосчиси ва таянчи бўлмиш ҳокимият атрофига жипслашиш ўрнига раҳбарият ва иқтисодий қийинчиликларни қоралаш ҳамда сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни таърифлаш билан ўралашиб қолдилар. Ҳатто президентлик номзодига ўнлаб вакилларни кўрсатиб, ҳокимият учун курашга киришиб кетдилар. Бу ҳолат ўзи турган дарахт шохига болта ураётганга ўхшаб кетади. Ахир «сиёсий ҳурлик» шунчалик бўладими?

Россиянинг сиёсий майдонида демократик кучлар пала-партиш ҳаракат қилаётган пайтда коммунистлар ва бошқа қора кучлар демократик ҳуқуқлардан фойдаланиб, ва уюшган ҳолда иш юритиб, партияларни тузишга ва Думада салмоқли ўринни эгаллашга эришдилар. Дарҳол ҳокимиятни эгаллаш учун курашни бошлаб юбордилар. Бунда коммунистларнинг ўтмиш тажрибаси қўл келди. Уларнинг «уюшқоқлиги» кўпроқ ўта шафқатсиз, олғир, уддабурон, ҳийлакор ва умуман «юлдузни бенарвон урадиган» кишилардан ташкил топганлигида. Улар мақсадларини амалга оширишда «яланғоч сувдан тоймас»йўсинда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Шунинг учун «чала демократия»га монанд равишда ташкил топган демократик кучлар уларга қарши туришда ожизлик қилмоқдалар. Коммунистлар ва бошқа империя тарафдорлари бу ҳолатдан самарали фойдаланиб, янги демократик тузумга қарши шитоб билан тарғибот олиб бормоқдалар. Улар хато ва камчиликлар топиш ва астар-пахтасини ағдариб «танқид»ий қарашларга устаси фаранг бўлиб кетганлар. Улар Россиядаги иқтисодий қийинчиликларни ва давлат бошқарувидаги маълум хатоларни янги демократик тузумнинг маҳсули сифатида қоралаб, совет даврида «қорин тўйса бас» деб яшашга мослашиб кетган халқнинг бир қисмини ўз тарафига оғдирдилар. Ваҳоланки мазкур қийинчиликлар ва тартибсизликларни ўзлари яратганлар, булар улар «ижоди» бўлган тоталитар тузумнинг сарқитларидир, аммо, демократлар бу тарихий ҳақиқатни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш ўрнига Республика раҳбариятига тўнкашдан нарига ўтмадилар. Натижада бу йўлни тутган демократларнинг фаолияти амалда коммунистларнинг даъволари билан ҳамоҳанг бўлиб чиқди. Бу жамоа кўз ўнгида коммунистларнинг «ҳақлигини» тасдиқловчи амал ҳисобланди. Шубҳасиз бундай ҳолат маълум бир тоифанинг коммунистларга бўлган ишончини оширди.

Хуллас, ҳозирда Борис Елтсин бошчилигидаги раҳбарият, демократик партиялар, коммунистлар ва бошқа қора кучларнинг қуршовида қолди. Тўғри, президент томонида фаолият кўрсатаётган демократик кучлар мавжуд. Бироқ улар ўз мухолифларига нисбатан салмоқли мавқега эга эмаслар. Буни Думадаги кучларнинг нисбати ва воқеаларнинг кечиши ҳам кўрсатиб турибди. Айниқса, Думада совет империясини тиклаш хусусидаги қарорнинг қабул қилиниши демократик кучларнинг заифлигини намойиш қилди.

Иккинчидан, Россия раҳбарияти меҳнаткаш оммани маош билан таъминлашдек муҳим масалани ҳал этиш учун ўз вақтида кескин чоралар кўрмади. Айниқса, миллионлаб кишилар маошсизликдан ва ишсизликдан жабр тортаётганда миллиардлаб маблағларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини чечен урушига сарфланиши ва унда минглаб кишиларнинг ҳалок бўлаётганлиги коммунистлар мавқеининг ошишига олиб келди. Шунингдек, саноат корхоналарининг талай қисми инқирозга учраши ёки фаолиятининг тўхтатилиши ҳам коммунистларга анча фойда келтирди.

Умуман шу кунларда Россияда Президентлик сайловлари яқинлашган сари мустақил ҳамдўстлик давлатларининг тақдири тобора хавф остида қолмоқда. Бунга хотиржамлик ва локайдлик билан қарамай ҳозирданоқ эҳтиёт шарт хавфсизлик чораларини кўриш шу куннинг жиддий талабидир.

Бу хусусда мен қуйидаги фикр-мулоҳазаларни тавсия этишни лозим топдим:

Биринчидан, Марказий Осиёда қизил империянинг тикланишига йўл бермасликнинг энг тўғри ва самарали йўли коммунистик партияларни тузишга имкон бермасликдан иборатдир. Бунинг қанчалик тўғрилиги Ўзбекистон мисолида яққол исботланди.

**Давоми иккинчи бетда**



Рассом О.Васихонов

## ЎЗБЕКИСТОН

*Она-ватан этмиш қалбларни мафтун:*
*Атлас кўйлак кийган!..*
*Гулчамбар таққан!..*
*Икки билак сочдай Жайхуну Сайхун*
*Бўй-бастига қандай ярашиб оққан!..*
*Тоғларнинг кетидан аста суқиб бош,*
*Олтин сочларини чиройли тараб,*
*Кун бўйи суқланиб боқса ҳам Қуёш,*
*Ватаним ҳуснига тўймайди қараб!..*
*Лочину турналар юксак, яйрашиб,*
*Учишар бағри тинч осмонимизда!..*
*Қалдирғочлар эркин учар сайрашиб,*
*Ота-диёр Ўзбекистонимизда!*

*Бизнинг Ватанимиз шу бахтимизга. —*
*Бизга ато этган азалдан Худо.*
*Бош бўлиб халқларга, тож-тахтимизга,*
*Парвозга шиддат-ла шайланган Ҳумо!*
*Мош каби очилган доно кўзлари!*
*Порлоқ истиқболга ишонч-ла боқар!*
*Ишлардан кўнгил тўқ, қатъий сўзлари! —*
*Ватанни фаровон этгай муқаррар!*

*Ҳеч нарса тўсолмас унинг парвозин!*
*Энди у орқага ҳеч маҳал қайтмас! —*
*Дунёга таралган озод овози,*
*Фақат олға парвоз айлар муқаддас!..*

**Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ**

## ЖЎРА АСРОН КЎРГАЗМАСИ

Мамлакатимизнинг барча соҳа санъаткорлари Наврўз байрамига атаб ўзларининг энг муносиб совғаларини туҳфа этмоқдалар. Мўйқалам соҳиблари яратган сержило тасвирий санъат асарлари ҳам томошабинларда баҳор кайфиятини, нафосат ҳисларини уйғотишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Улуғ айём арафасида Ўзбекистон Республикаси давлат Ўрмон қўмитаси биносида очилган Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси Жўра Асроннинг шахсий кўргазмасида намойиш этилаётган турли мавзулардаги, хилма-хил рангтасвир намуналари фикримизнинг далили бўла олади. Айниқса, «Муножот», «Шоҳимардонда баҳор», «Ҳаён», «Гилос гули», «Кичик кўл», «Она», «Гулноза портрети», «Тегирмон», «Келинчак», «Чаккатомар манзараси», «Бедана» каби асарлар таҳсинга лойиқ сифатлари билан ажралиб туради. Уларда инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро мутаносиблик, гўзаллик, нафислик, мукаммаллик мезонларига амал қилинган бўлиб, аниқ-тиниқ тасвирлар қуюқ рангдор бўёқлар ёрдамида акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий асотсиатсияси томонидан ташкил этилган кўргазма кўплаб санъат ихлосмандлари, шунингдек байрам муносабати билан пойтахтга келган меҳмонлар диққат-эътиборини тортмоқда.

**Б. ТОЖИЕВ**

*«МТ»га мактублар*

## НЕГА АРЗОН?

Ҳурматли бош муҳаррир!

Биз Тошкент Юридик институти талабалари «Миллий тикланиш» газетасининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз ва катта қизиқиш билан ўқиб борамиз. Айниқса мамлакатимиз иқтисодиёти, янги замон фалсафасига доир, ватанимиз равнақига ҳисса қўшган ажойиб инсонлар ҳақидаги мақолалар бизда катта қизиқиш уйғотяпти. Биз бўлажак ҳуқуқшунослар ҳатто газета материалларидан ўқиш жараёнида ҳам фойдаланаяпмиз. Бунинг учун ташаккур. Ўқишли, изланишли газетангиз энг арзон ҳам. Аммо биз эшитдикки, газетанинг ҳар бир нусхаси камида саккиз сўмга тушар экан. Унда нечун бунчалар арзон сотилади? Балки янгилиги, ўқувчиларни ўзига ўргатиши кераклиги учундир? Тўғри, бизга арзон бўлгани дуруст, аммо шунча меҳнат эвазига чиқаётган газетани сал қимматроқ ҳам сотиш мумкинку. Ҳамма учун жавоб бериш қийин-у, аммо газетангизни ўз таннархи кўтарган баҳода ҳам сотиб олган бўлардик. Чунки, газета ўтмишимизни ўрганишимизда, ўзлигимизни танишимизда бизга катта ёрдам бермоқда.

«Миллий тикланиш» ҳақиқатан ҳам миллий тикланишимизга хизмат қилишига ишонамиз. Чексиз ҳурмат ила бир гуруҳ мухлисларингиз номидан

**Телман РАЖАБОВ**
**ТЮИ давлат бошқаруви факултети 2-курс толиби.**

## КЎКЛАМ ТАРОВАТИ

Халқимизнинг улуғ айёми саналмиш Наврўзи оламга ҳар қандай соҳанинг кишилари бирор эзгу ишни бағишлашлари азалий удумлардан ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ижодкор рассомлари ҳам янгиланиш, тозариш фаслига ўзларининг энг сара асарларини тақдим этишмоқда. Байрам арафасида Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Марказий кўргазмалар залида очилган катта тасвирий санъат кўрагазмаси ана шундай шукуҳли тадбирларнинг дебочаси бўлди. Унда уч юздан зиёд рангтасвир, халқ амалий санъати, ҳайкалтарошликка оид асарлар намойиш этилмоқда. Бадиий ижоднинг юксак намуналари муаллифларининг аксарияти ёшлардан иборат бўлиб, улар қаторида О. Қозоқов, А. Нуриддинов, С. Раҳмонов, Э. Машарипов, З. Фахриддинов, Б. Маҳкамов, Х. Жалилов, Р. Худойберганов, М. Эсонов, Б. Маҳмудов, Ф. Шобаратов ва бошқа ўнлаб истеъдодли мусаввирларнинг борлиги қувончлидир. Чунки бу ҳол республикамиз ижодий салоҳияти сафлари тўлиб, тобора ривожланиб, янгиланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Айниқса, А. Нуриддиновнинг «Жайҳун», О. Қозоқовнинг «Самарқандда Наврўз», «Соҳибқирон руҳи», «Канизаклар», С. Раҳмоновнинг «Байрам», «Сумалак», «Кураш», Э. Машариповнинг «Наврўз қўшиғи», «Кўклам», Б. Маҳкамовнинг «Покланиш», «Ихлос» каби асарлари ўзига хослик, ноёблик, чуқур мазмун ва шакл мукаммаллиги тамойилларига мувофиқ ишланганлиги сабабли эътиборимизни тортади. Улар қаршисида беихтиёр тўхтаб завқ ола бошлаймиз, фикр-туйғулар уммонига ғарқ бўламиз.

Кўргазмани бир чеккадан томоша қилар эканмиз, ўрта ва кекса авлод вакилларининг ижодига ҳам нигоҳимиз тушади. Улар қаторида М. Тўхтаев, Д. Имомов, Н. Қўзибоев, Г. Ткачёв, В. Петров асарлари бор.

Ҳайкалтарошлик асарлари эса сон жиҳатдан бир оз камдек бўлиб туюлса-да, аммо улар юқори сифат даражасида бажарилганлиги сезилиб туради. Бундай санъат намуналарига А. Абраевнинг «Кўпкари», «Полвон», «Хўрозлар жанги», Р. Авакяннинг «Танлов» номи билан аталган асарларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Байрам кўргазмасининг очилиш маросимида сўзлаган Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори, таниқли файласуф, санъатшунос, олим Т. Маҳмудов, халқ рассомлари Р. Чориев, Н. Қўзибоев, хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Бурмакин йиғилганларни улуғ айём билан муборакбод этдилар.

Рассомлар, санъат ихлосмандлари уюшма томонидан ташкил қилиб безатилган байрам дастурхони атрофига таклиф этилди, мазали миллий таом — ош тортилди.

**Баҳром ТОЖИЕВ**

*Кўҳна* **ҲИКМАТЛАР**

## Конфуций айтган экан...

17. Кунлардан бир кун отхонага ўт тушди. Устоз ҳукмдорнинг саройидан қайтиб келгач, бир оғизгина гап сўради:

— Одамларга зиён етмадими?

Отлар ҳақида сўрагани ҳам йўқ.

XI ФАСЛ

10. Йан Йуан қазо қилганда, Устоз қаттиқ мусибат тортиб, оҳ-воҳ қилиб юрди. Унга муридларидан бири айтди:

— Ҳаддан ортиқ мусибат чекаяпсиз!

— Мусибатим ҳаддан ошибдими? — эътироз билдирди Устоз. — Агар шундай одамларга ҳам қайғурмасак, унда кимга қайғурамиз?

11. Сзилу жинлар ва руҳларга қандай хизмат қилмоқ керак деб сўради. — Тирикларга қандай хизмат қилишликни билмаймизу, — деб жавоб берди Устоз, — руҳларга нима каромат кўрсатардик?

— Унда, — деди Сзилу, — сиздан яна бир нарсани ижозатингиз билан сўраб олай — ўлим ўзи қандай нарса?

— Ҳаёт, тириклик нима эканлигини билмаймизу, — деб жавоб қилди Устоз, — ўлим нималигини қаёқдан биламиз?

26. Сзилу, Сзен Си, Жан Йў ва Гунси Хуа Устоз қошида ўтирган эдилар. Шунда Устоз деди:

— Мен сизлардан пича ёшим улуғроқ, шунинг учун ҳисобга ўтмайман. Мана, ҳаммаларингиз: «Мени ҳеч ким билмайди!» — деб ёзғирасиз. Хўп, сизларни биров билди ҳам дейлик, хизматга олди ҳам дейлик, хўш, кейин нима қилган бўлардингиз?

Сзилу ўйланиб ҳам ўтирмасдан жавоб берди:

— Майли жилла қурса мингта жанговар от-араваси бор давлат бўлсин. Атрофдан уни йирик давлатлар сиқиб кела бошласин, ана-мана лашкар билан бостириб кираман деб қўрқитсин, бунинг устига яна ҳосил ҳам яхши бўлмасину очлик-қаҳатчилик авж олсин... Шунда мен хизматимга киришиб, арзимаган уч йил ичида одамларнинг юрагига далда бераман ва уларга тўғри йўлларни кўрсатаман.

Устоз табассум қилди.

— Сен нима дейсан, Сйу?

У шундай жавоб берди:

— Майли унча катта бўлмаган давлат дейлик, майли у ёғидан бу ёғига олтмиш-етмиш ва ҳаттоки эллик ли кела қолсин. Агар бошқариш ишларини ўз қўлимга олсам, уч йил ичида халқни бой-бадавлат қилган бўлардим. Музика ва расм-русумларга келсак, бу соҳада бирон бир юксак иқтидорли эр дунёга келишини кутган бўлардим.

— Сен нима қилган бўлардинг, Чи?

У шундай деди:

— Бу қўлимдан келармикин, айтолмайман, лекин ўргангим келади... Мен ҳашамли либослар кийиб, аждодлар ибодатгоҳида қурбонликлар чоғида энг кичик ходим бўлишликни истардим, қўлдош хонларни ҳам мана шундай тарзда кутиб олсам дердим.

— Сен-чи, нима қилардинг, Дйан?

У эса сеторни чалишдантўхтади-да, асбобни тиринглатиб ёнига қўйди, ўрнидан туриб, шундай деди:

— Мен булардан тамомила бошқа бир нарсани хоҳлайман.

— Ҳечқиси йўқ! — деди Устоз. — Ҳар ким ўзи истаган нарсани айтиши мумкин.

Шунда Сзен Си шундай деди:

— Баҳор чоғлари оёқлаб, ҳамма енгил либослар кийган пайтлар беш-олтита бошларига катталарнинг қалпоғини киядиган йигитчалар — ҳамда олти-еттита ўсмирларни олиб дала-даштга чиқсангу улар билан дарё сувида чўмилиб, сўнг Ёмғирлар меҳроби олдида шамолда туриб устингни қуритсанг-да, ана шундан сўнг уйга қайтиб келсанг қанийди.

Устоз чуқур хўрсинди-да, деди:

— Мен Дйаннинг хоҳишига қўшилган бўлардим.

Учта шогирд чиқиб кетишди. Сзен Си шунда қолиб, сўради:

— Уларнинг сўзлари ҳақида нима фикрдасиз?

— Ҳар бири ўз хоҳишини билдирди, — деди Устоз, — бор-йўғи шу.

— Йў ўз истагини билдирганда нега кулиб қўйдингиз, Устоз?

— Мамлакат расм-русум билан бошқарилади, — деди Устоз, — унинг сўзларида кеккайиш бор, шунинг учун кулдим.

— Сйу айтган нарсани давлат деб ҳисобласа бўладими?

— У ёғидан буёғигача олтмиш-етмиш ва ҳатто эллик ли бўлган мамлакатни нега энди давлат деб ҳисобламаслик керак?

— Чи айтган нарсалар-чи? Буларни давлат деб ҳисоблаш мумкинми?

— Агар унда аждодлар ибодатгоҳи бўлса ва хонлар бир-бирларини қўллаб турсалар, демак, мамлакатнинг ўзига яраша хони ҳам бор экан-да. Агар ўша давлатда Чи каби инсон фақат кичик ходимлик вазифасини адо этса, унда катта ходим қандай одам бўлиши керак, биласанми?!

# БОЗОР МУНОСАБАТИ: муқобил борми?

Қишлоқ жамоат кенгаши — жамоат хўжалиги кенгаши — туман жамоат кенгаши, — вилоят кенгаши — республика жамоат кенгаши. Ўз навбатида улар ҳам: қишлоқ жамоат кенгаши гуруҳлари, жамоат хўжалик гуруҳлари кенгаши, туманда, вилоятда, республикада соҳалар бўйича жамоат кенгашчаларига бўлинади.

1. Қишлоқ жамоат кенгаши шу қишлоқ ҳудудида истиқомат қилувчи энг обрўли зиёлилар, ишбилармонлар, раҳбарлардан ташкил топади. У қишлоқдаги барча муаммоларни адолатли ҳал қилишда, демократия асосида кенгашиб, тинчлик, эзгулик йўлида иш юритишга асосланади.

2. Жамоа хўжалигининг жамоат кенгаши аъзолари ҳам соҳалар бўйича гуруҳларга бўлиниши, маслаҳатлашиб, жамоа раисига жамоатчиликнинг фикрларини бериши мумкин, ўз навбатида раис ҳам жамоа кенгаши аъзоларининг кўпчилигининг розилигини олмасдан туриб, бирон иш қилмайди ва шахсий ҳуқуқи чегараланган ошкоралик ҳолатида ўз вазифасини бажаради, иш фаолияти тўлиқ жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан назорат остида бўлиб, жамоада ишлаётган аъзолар учун ҳақиқат, демократия ва адолат бирламчи ҳисобланади. Ҳақиқий ҳиссадорлик жамияти тузилади.

3. Туман, вилоят, республика жамоатчилик кенгашида ташкил топган жамоатчилик асосидаги соҳалар бўйича гуруҳларда ҳам: ўз соҳасининг етук мутахассислари, олдин шу соҳада ишлаган нафақахўрлар, зиёлилар ва раҳбарлар фаолият кўрсатиб, туман, вилоят ҳокимига туман-вилоятдаги мавжуд муаммоларни жамоатчилик асосида ҳал қилишда, у ёки бу масалани атрофлича муҳокама қилинишида кўмаклашадилар. Айниқса ҳудудда ташкил топган экологик вазиятни ҳал қилишда, иқтисодий масалаларда, маънавий-руҳий, маданий соҳада... фаоллик кўрсатилади.

Ушбу жамоатчилик асосида ташкил топган 5 босқичдаги жамоатчилик кенгаши, масалан, маъмурий туман ҳудуди ва аҳолиси учун нима беради?

1. Маъмурий туман ҳудудида ҳақиқий тинчлик, эзгу ниятли демократик адолат борасида тартиб ўрнатилади. Туман ҳокимияти билан халқ ўртасида кўприк тикланади.

2. Маъмурият ва туман халқи ўзаро «ижтимоий соф ниятли юракларнинг руҳий-маънавий ва маданий бирлиги муносабатида» бўлишишига, бирлашишига шароит яратилади.

3. Замон талабидаги ҳақиқий меҳнаткаш, ишбилармон, тадбиркорлар ўз тумани халқига эзгу ният йўлида хизмат қилади.

4. Президентимиз айтганларидек: «Жамиятнинг бошқарилиш вазифаларининг аксарияти давлатдан фуқаролик ва ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўтишини англатади», деган башоратли йўллар амалга ошади.

5. Маъмурий туман ҳудудида экологик, руҳий-маънавий маданият муносабати («ИРСНЮБМ») шаклланади. Натижада соғлом табиат ва авлод учун шарт-шароитлар яратилади...

6. Туман ижтимоий ҳаёти аҳоли турмуши онгини белгилайдиган бўлади. XXI аср ижтимоий турмушимиз онгида янги йўлга: «Ижтимоий руҳий соф юракли бирликка бирлашиш муносабати» учун замин яратилади.

Ушбу беш жамоатчилик табақаларининг табиати, ахлоқи қандай бўлмоғини амалий тажрибада вақт кўрсатади. Чунки ҳозирги замон руҳидан келиб чиқиб сабаб ва оқибатлар асосида фикр юритадиган бўлсак:

1) маънавий дунёмиз торайиб, лоқайдлик даражасига тушиб қолганлигимиз;

2) она-табиатимизга бўлган муносабатимизнинг ниҳоятда салбийлиги;

3) аҳолининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги;

4) ҳамма соҳаларда етук мутахассисларнинг камлиги;

5) бошқариш тизимидаги камчиликлар маълум бўлади.

Умуман туман жамоа хўжаликлари, қишлоқ кенгаши ҳудудларининг босқичларида яшаётган аҳолининг ижтимоий онг даражасини тўртта жамоатчилик табақаларига бўлишимиз мумкин:

1. Ҳудуд жамоат аҳолисининг энг юқори малакали зиёлилари: ақлли, хотиржам, ростгўй, чидамли, адолатни севган, ибодатга, маърифатга берилган, ҳиммат ва ғайратларини маънавий-маданий муносабатларига бағишлаган ахлоқ-одоб йўлидаги олижаноб кишилар ва раҳбарлар;

2. Ўрта табақалардаги кўнгли кенг, шижоатли, улуғвор, сўзамол, ақлли, қўли очиқ, машаққатларга чидамли, меҳнаткаш раҳбарлардан, зиёлилардан ва тижоратчилардан иборат жамоат одамлари;

3. Қуйи табақаларга: деҳқончилик, чорвачилик, завод, фабрикаларда, фермаларда ишлайдиган ақлли ишчилар, савдо ходимлари ва хизматда ҳаракатчан кишилар;

4. Энг қуйи табақадагиларга эса: ижтимоий ҳаётда жамият фаровонлиги учун курашда ниҳоятда бепарво, зараркунанда, ишламайдиган нуқсонли кишилар киради.

Шу табақаларнинг ҳар бири ўз вазифаси ва одатида турғун ва уйғунликка эга бўлиб, Тангрига ибодат қилмоғи, Уни унутмаслиги, ҳозирги вақт талабидаги ижтимоий онгга, ақлга, идрокка эга бўлиб, ўзида ижтимоий-руҳий маънавий маданият муносабатини шакллантиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилиб комил инсон даражасига илм орқали кўтарилиши лозим.

Зеро, биз инсонлар ер юзидаги бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, бу дунёни илм олиш орқали билишга, Яратганнинг беқиёс қудратини англашга келганлигимизни билишимиз лозим.

Маълумки, шамол, дарахт, ҳайвонлар, одамлар, қушлар булут ва денгизларнинг руҳлари ва уларнинг ердан узилиб, тадрижий равишда босқичма-босқич тепага кўтарилишининг бирбирига боғлиқ эканлиги, инсон тафаккурининг ҳам уларга боғлиқ ривожланиши ва онг қанча юқори бўлса, руҳлар ҳам ўзини улар даражасида бошқариши аниқланган. Улар ўзаро занжирдек бирлашиб, бир бутунни ташкил этадилар. Уларнинг шаклу моҳияти ҳам бир бутундай юксала боради. Демак, Оламнинг тузилиши, аслияти ва Азалий ҳақиқати ҳам бизнинг бир бутунлик билан эзгу ниятли уйғунлигимиздадир. Бунинг учун албатта илм, ботиний онг ва вақт керак бўлади. Инсон софдилларни тингласа, қалби ила эътироф этса, бу тинчлик, эзгулик йўлида нокомиллик тўсиқларини енгса, қалбини сирли, софдил оҳангларга очса, оламнинг турфа маъно, ранг-баранг туйғуларига, таъсирига эга бўлади. Зеро, бу олам меҳр-муҳаббатсиз барглари тўкилган яланғоч дарахтдир. Зотан, софдиллик инсонга бешикдан, оналарининг мунис алласидан бошланиб, то қабригача ҳамроҳ бўлиши керак. Бунга Яратганнинг иноятй билан муяссар бўлишимизни билишимиз, қудратини англашимиз ва унутмаслигимиз даркор.

Зотан, Парвардигор бутун одамни яратиб, ундан кейин Одам Атога руҳ бағишлагандан бошлаб фаришталарига: «Одам Атога таъзим қилинг!» — деганида, Иблис инкор этгани ҳаммамизга маълумдир. Фаришталарга Парвардигори олам: «Мен сизларни нурдан яратдим ва бир йўла ўз мўъжизаларимдан ҳам баҳраманд этдим. Одам Атога эса ақл бердимки, унинг авлодлари ана шу ақл билан илм эгаллайдилар ва менинг мўъжизаларимни англаб етишга интиладилар», деб инсониятга тўғри йўл кўрсатгандир. Энди гап унга амал қилишдадир. Амал фақат ягона йўл. «Ижтимоий -руҳий соф ниятли юраклар бирлиги муносабати» услуби орқалидир. Нафс дунёси ҳисобланмиш бозор муносабати орқали эмас. Моддий ёвузлик «мен»идан руҳий эзгу ниятли «биз» ҳисобланган «Ижтимоизм муносабати» йўлига ўтиш ва кўҳна ахлоқу одоб қоидаларига «амал» қилиш орқали коиносферанинг: она-ер табиатида, жамиятида тинчлик эзгу ният, уйғунлик, биродарлик сақланажак.

Шундай қилиб, коиносфера оламидаги Қуёш тизими харитасини иккига: руҳий-маънавий ва моддий дунёга бўлиниши сабабли ва улар ўртасида кескин қарама-қаршилик қонуни, вақт асосидаги зиддиятли ҳаракат, муносабат фаолиятига эгадир. Аммо биз асосан моддий нафс дунёсига берилиб инсоннинг, ўз асл моҳиятини, ижтимоий ҳаётини ташкил этган руҳий-маънавий оламни таназзулга тушириб қўйишимиз оқибатида мана шундай турмуш шароити, ҳаётига эга бўлишига олиб келдик.

Чунки, инсоннинг маънавий-руҳий тадрижи ўзига хос ўринда туради. Жумладан, муқаддас битикларда таъкидланишича, олам аввал «эфир», яъни товушлардан иборат бўлиб, Аллоҳу Акбарнинг ўзи ана шу товушларда намоён бўлар экан. Софдил қалб озуқаси бўлиши, унинг азалий ва абадий оламга айланиши, софдил оҳанглар воситасида ёлғиз Илоҳга талпиниш, унинг муҳаббати буюк ва абадий эканини тавсиф этмоқ керак. Софдил оҳанглар инсонни Аллоҳу Акбар билан бирлаштирувчи олтин ришта бўлиши ва товуш тебранишларида ўзига хос қувват борлигини англашимиз лозим.

Майдон эса халқнинг ўрни ва даражасини, унга бўлган муносабати нисбатида бўлади. Инсон эътиборини руҳга қаратмоғи лозим, чунки оғзидан чиққан сўз уларнинг жонидир. Тангри билимлар ва ранжини тўплаб бу ишлар билан машғул бўлишга йўллайди. «Асл бўлган нарса амалдир», деб таъкидланиб, аммо амал муштарийсини тополмадик, бироқ сўз муштарийси мавжуд бўлганидан биз ҳам сўз билан машғулмиз дейилади, муқаддас манбаларида. Чунки: Амал — амал орқали, илм—илм билан, маъно —маъно воситасида, шакл —шакл ёрдамида англанади. Амал ичкаридаги ботиний маънодир. Ҳар бир нарсанинг асли сўздир. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки сўз амалдан (ишдан) туғилади деб айтишган бобокалонларимиз Форобий, Румий...

Демак, инсон ақл ва шаҳватдан ташкил топган бўлиб, ярми шаҳват, ярми малакдан иборатдир. Улар ўртасида доимий жанг мавжуд. «Ақли шаҳватидан устун келган киши малаклардан афзал, шаҳвати ақлидан ғолиб чиққан кимса ҳайвондан тубандир (Ҳадис). Шунинг учун Ақлни шаҳватдан устун айлаб, эзгу ният билан туманларни тозалаштириш, маънавий-руҳий ҳақ йўлига одамларни йўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу илмий йўлни ҳаётга, турмушга тадбиқ этишда Тангрига топиниш лозим.

Чунки, ҳар қандай нарсанинг қиймати зиддиятда, қарама-қаршилик қонуни асосида маълум бўлгани каби, жамиятда моддий дунё асосида ташкил топган БИМҚ ҳам ўзининг зидди «ИРСНЮБМҚ» да намоён бўлади. Худди нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғи олам яратилгандек. Ёки одамнинг қаршисида Иблис турганидек. Иқтисодиёт қаршисида экология туриши муқаррардир. Бинобарин, руҳий дунё — моддий дунёнинг зидли бўлиши табиийдир. Аммо минг афсуски, бундай коиносферамизнинг қонуниятига риоя қилмаслигимиз оқибатида, инсоният XX аср охирига келиб ақлий таназзулга, руҳий таназзулга, коиносфера таназзулига мубтало бўлиб қолди. Натижада коиносфера, табиат, жамият, тараққиёт маданияти, муносабати, қонуниятидаги, қарама-қаршилик, зиддият қонуниятидаги ўзаро тенглик, яъни 50:50 йўқолиб, БИМҚ 90 фоизли ҳукмронликка эга бўлиб олди. Бу жараён ҳамон чуқурлаштирилмоқда, ривожлантирилмоқда.

Ушбу жараённи уйғунликда ривожлантиришни иложи борми? Бор. Унинг зиддий қиймати ҳисобланган «ИРСНЮБМҚ»идир. Она-табиатга, жамиятга бўлган муҳаббат, муносабат, ҳаракат қоидасига маънавий-руҳий ва моддий дунё ўртасидаги тенглик XX аср охиригача 50:50 ни ташкил этиши, XXI асрда эса бу нисбатдаги фарқ «ИРСНЮБМҚ» ҳисобига ўсиб 65-70 фоизни ташкил этиши лозим. Бунга майдон — инсон ўртасидаги тортилиш қонуни, эзгулик йўлидаги ўйлаш, эфир тўлқинларини тозалаш, ҳаводан нафас олиш... орқали эришиш мумкин. Чунки руҳ материянинг олий маҳсулидир, бирламчидир. Ўзлигимизни англашга эътиборимизни кучайтиришимиз лозим. Ўшандагина дунё уйғунликка, тинчликка, гўзалликка эришади. Ҳамма гап соғлом майдондаги кучимизда: танда, фикрда, тоза пок яшаётган атроф муҳитимизда, уйимизда, кийимимизда, ақлимиз, ичимиздадир, ботиний-руҳий дунёмиздадир. Бозор муносабатида эмасдир.

Ҳозирги давримизга янги тарихий бурилиш даври кириб келмоқда, иймонимизда ўзгаришлар бўлмоқда. Ҳақиқий ватан нима эканлигини англашимиз лозим. Бунга фақат «илм» орқали эришишимиз, ҳақни танишимиз мумкин. Бу ҳақда Ҳадиси шарифда: «Илм дунё азизлиги ва охиратдаги улуғликдир» дейилмаганми?

Зеро, моддий фаровонлик нарсаларнинг кўплиги билан эмас, балки кўзнинг тўқлиги билан, моддаларнинг мўллиги билан эмас, балки маънавиятнинг бир бутунлиги билан белгиланади. Бугунги кунда жамиятимизда халқимиз бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликнинг туб илдизи ҳам асли шунда, яъни, руҳий-маънавияти бутун бўлмаган халқ ҳеч қачон тўла маънодаги моддий фаровонликка эриша олмайди.

Агар кишиларда иймон-эътиқод, Аллоҳга топиниш, ҳаромдан ҳазар қилиш, сабр-бардош... каби чин инсоний хислатлар бўлмас экан, Ўзбекистонимиз тиллога айланганда ҳам моддий қийинчилик тугамайди. Сабаби, бугунги қийинчиликларга ҳам нарсаларнинг йўқлиги ёки далалар ҳосил бермай қўйгани эмас, балки кишилардан иймон-диёнат қочгани, бировнинг ҳақидан қўрқмаслик, айрим кимсалардаги бирни ўн, юз, минг қилиш ғами, мол-дунёга бўлган очкўзлик — бир сўз билан айтганда, руҳий-маънавий ногиронликнинг сабаб бўлаётгани, бу аччиқ ҳақиқатдир.

Жамиятни, тараққиёт маданиятини, муносабатини бундай нодонлик дунёсидан олиб чиқиб кетишда, яъни кишиларни қорининнинг қули бўлиб қолишдан халос қилиш йўлида. Муқаддас диний, эмпирик манбалар, пайғамбарлар, авлиёлар руҳий-маънавий соф ниятли, эзгу юракларнинг бирлигини, муносабатини «ижтимоизм дунёси»да шакллантиришда, ривожлантиришда катта хизмат қилганлар. Афсуски, шайтон, иблис васвасалари устунликка эришиб, «руҳий юрак» армонда, пушаймонликда ўтиб бормоқда. Зотан, ўзини тана деб ўйлаган мавжудотлар, инсон... ерни, бойликларни, яратилган меҳнат яроғларини, қолаверса, оиласи, жамияти, динини ва ундаги мавқеини... «ўзимники», деб ҳисобламоқда. Ўзимники дейиши сабабли ва унинг оқибатида жамиятда, мамлакатларда, майдонларда қирғинбарот жанглар юз бермоқда. Турли хил ижтимоий-сиёсий иқтисодий, сотсиал, маданий, диний, экологик... инқирозлар туғилмоқда. Одамлардаги, жамиятдаги бу алданишлар кўплаб муаммоларни юзага чиқармоқда. Бу ҳақда Қуръони каримда ҳам: «Кимки менинг марҳаматимни олмоқчи бўлса, менинг яратганларимга нисбатан раҳм-шафқатли бўлсин» дея ҳидоят этилган.

Худонинг сўзларига амал қилмаганларни художўй деб бўладими? Ахир, барча диний китобларда ҳам худо битта ёзилганку! Худди, Ер ягона Қуёшдан нур эмганидек, ер юзидаги барча миллатлар ундан баҳраманд бўладилар. Демак, Худо, Қуёш ҳаммани ўзига мафтун этади. У барча сифатларни ўзида мужассам этган энг мафтункор, буюк, қудратли ва энг раҳмдил зотдир.

Сув томчиси уммон сувидаги барча сифатларга эга бўлгани каби, руҳда ҳам олий сифатлар мужассамдир. Инсонда ҳам зоҳир бўлган руҳ — Олий зот худонинг ажралмас заррасидир. Шу боис руҳ ҳам абадий, ўлмасдир, билим ва фароғат ила йўғрилгандир. Ўз аслиятини, ўзлигини, руҳий жон деб англаган инсон Худони ҳам англаб етади. Демак, биз руҳий мавжудотлармиз (жонлармиз), шу сабабли лаззатланишимиз лозим. Барча тирик мавжудотларга эса, бир хил муносабатда бўлишимиз керак.

Шунинг учун «ИРСНЮБМ» таълимотининг мақсади — майдонда яшаётган инсонларга ижтимоий ҳаётнинг олий мақсади: руҳий-маънавий дунёга эришишида, Худо ҳузурига қайтишида ёрдам беришдир. Худди қуёш ўз нурларидан фарқ қилмаганидек, Худо ҳам ўз қувватларидан фарқ қилмайди. Биз Худога пок қалбимиз билан хизмат қилишимиз керак.

Аллоҳнинг: «Эй, мўминлар, сизларга ризқ қилиб берган ҳалол, покиза нарсалардан (неъматлардан) енглар ва шукур қилинглар», деган сўзи ва Қуръон калимасидаги: «Дунёдан насибангни эсдан чиқармаган ҳолда, борадиган жойингни Аллоҳ берган нарсадан чиройли бўлишини талаб қил. Аллоҳ сенга яхшилик қилгани каби, ҳам одамларга яхшилик қил. У ер юзини бузғувчи одамларни ҳеч дўст тутмайди. Модомики дунёда борсан, охират учун насиба олиб қол», деган йўлланмага амал қилиш ҳам бурчимиздир.

Сабаби, инсоният табиат, коиносферанинг бир қисми (заррасн) эканлигини ва уйғун ҳолатда маълум бир йўналишда фазода ҳаракатланишини, унинг қуввати бевосита улар билан боғлиқлигини унутмаслигимиз, қолаверса, XXI аср инсоннинг ўзлигини англаш асри эканлигини, бунда руҳий қувват муносабатнинг муҳимлигини англамоғимиз лозим. Яъни, табиатда (майдон) инсоннинг ўзаро руҳий қувват муносабати, моддий фикр, тасаввурнинг қувват-ахбор алмашинуви ривожланади. Инсоннинг ички вужудидаги ботиний туғёнлар майдон муҳити таъсирида юзага келишини, бунда қуёшни ердаги ҳаётга, инсониятга таъсири муҳим моҳият касб этади. Дин билан фан қўшилиб Ижтимоизм онги муносабатининг шароити, ҳаракати бошланади.

**Саидакбар БОҚИЕВ,**
**дотсент**

## Сиёсий фаолият майдонларида

# НАЙРАНГ

**Давоми. Боши биринчи бетда**

Аммо, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонда минглаб кишиларни ўз ичига олган компартиялар бутун Марказий Осиё мустақиллиги учун хавфнинг ўчоқлари ҳисобланмоқда. Вақти келиб уларни Россия коммунистлари билан ҳамкорликда ҳокимият учун курашишларига шубҳа йўқ. Ҳозирданоқ бу кўзга ташланмоқда. Масалан, Алматида, Минскда ва бошқа шаҳарларда коммунистлар Думанинг қарорини қувватлаб, намойишлар ўтказдилар. Улар «Яшасин совет иттифоқи», «Яшасин совет халқи» сингари шиорлар билан жар солдилар. Демак, Россияда кескин тус олган сиёсий воқеалар фақат у ернинг «ички иши» доирасидаги масала бўлмай, акс садоси мустақил республикаларни қамраб олиши турган гап. Бу ҳақиқатни назарда тутган ҳолда, Марказий Осиё республикалари Олий Кенгашларининг ҳар бири ўз президентларига маълум муддатда фавқулодда ваколат беришлари айни муддаодир. Шунингдек, коммунистик ғоялар миллий манфаатларга ва мустақилликка зид бўлганлиги учун компартияларнинг фаолиятини таъқиқлаш ҳақида қарор қабул қилсалар, яхши бўларди. Ахир, жаҳон миқёсида фашизм таъқиқланган-ку...

Менимча, Марказий Осиё республикаларининг Президентлари биргаликда мустақилликни коммунистлар тажовузидан сақлашга қаратилган чораларни белгилашлари мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, собиқ совет тоталитар тузумининг даҳшатли фожиаларини фош этиб, халқда нафрат уйғотиш душманларга қарши курашнинг энг самарали йўлидир. Зеро, ҳар жиҳатдан ўткир ва таъсирчан бу услуб коммунистлар ва умуман советпарастлар «тилини кесишда» ҳамда уларнинг шум ниятларини бартараф қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Совет тузумининг инсоният бошига битган балолигини тарғибот қилиш кишиларнинг онгини қултабиатликдан ва манқуртликдан тамомила тозалашда беқиёс катта аҳамиятга эга.

Учинчидан, маълумки, Марказий Осиёдаги республикаларда ҳам демократик партиялар оз эмас. Аммо уларнинг барчаси мустақиллик ва тараққиётнинг тарафдорлари бўлсалар-да, лекин ишни олиб бориши бўйича икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчилари қандай бўлмасин ҳокимиятни эгаллашни эмас, балки биринчи галда мустақилликни ва демократик жамиятнинг пойдеворини мустаҳкамлашни асосий вазифа деб ҳисоблайди. Улар бу йўлда миллати, дини ва эгаллаб турган мансабидан қатъий назар, Ватанга содиқ барча кишилар билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишни афзал кўрадилар. Бу ўз навбатида тинчлик ва барқарорликни таъминлаб, давлатнинг куч-қудратини ва том маънодаги демократияни ривожланишига олиб келади.

Ўзларини «мухолифат» номи билан атовчи иккинчи гуруҳдаги демократлар эса бошқача йўлни танлаганлар. Чунончи, улар ҳали шарт-шароит етилмаганлигини назар-писанд қилмай, дарҳол демократияни ривожлантиришни талаб қилмоқдалар. Улар худди мана шу ягона талаблари билан коммунистлардан ажралиб турадилар. Бироқ, улар бошқа масалалар бўйича коммунистларнинг даъволарига ҳамоҳанг тарзда иш юритмоқдалар. Бу ҳақда мухолифатдаги кучларнинг республикаларнинг раҳбарларини, давлат бошқарувидаги камчиликларини, иқтисодий қийинчиликларини кўпиртириб қоралашлари ва ҳокимият учун курашаётганликлари далолат беради. Бу ерда мен асло мухолифатдаги кучларни қоралаш ниятида эмасман, албатта. Уларнинг ачинарли ҳолатга тушиб қолганликлари сабабини умумий тарзда бўлса-да, тушунтирмоқчиман, холос. Чунончи, улар шуни англашлари лозимки, «ҳолва деган билан оғиз чучимайди» дейилгандек, масаланинг мағзини ва моҳиятини тушунмасдан демократияни ривожлантириш, ёки сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни рўкач қила берган билан иш битмайди. Уларга эришмоқ учун вақт керак ва ўша заминни қуриш ва мустаҳкамлаш шартдир. Беш ёшли боланинг танасини резинага ўхшаб чўзиб, 10-15 ёшли болага айлантиришни иложи бўлмаганидек, қисқа вақт ичида демократияни бирданига тўлиқ ривожлантириб бўлмайди. Бундай қилишликни фожиали оқибатлари Россия мисолида кўриниб турибди-ку!

Умуман мухолифатдагиларнинг нотўғри иш юритаётганликларининг сабаби минтақада ҳукм сураётган ички ва ташқи шароитнинг ўзига хос хусусиятларини етарли даражада тушунмасликларида, демократиянинг келиб чиқиши ва ривожланиш жараёнлари тарихига эътибор бермасликда деб ҳисоблайман. Наҳотки, улар ҳозирда Оврўпода ва бошқа мамлакатларда демократияни ривожлантириш учун бир неча ўн йиллар кетганлигини билмасалар.

Мазкур саҳифаларда масалани минтақа миқёсида баён этишимдан мақсад ундаги барча демократик кучлар бир ёқадан бош чиқариб, умумий душманларга қарши биргаликда иш юритсалар, кучга куч қўшилиб, мустақилликнинг хавфсизлиги тўла таъминланган бўларди. Ҳозирги оғир ва масъулиятли вазият барча демократик кучларнинг ҳокимият атрофига жипслашишларини тақозо этмоқда.

Аввало, том маънодаги демократиянинг пойдевори қурилиб, мустақилликнинг хавфсизлиги таъминлансин, сўнгра демократияни хоҳлаганча ривожлантириш ва ҳокимият учун курашиш қочиб кетмайди. Акс ҳолда, коммунистлар ва бошқа империяни тиклаш тарафдорлари минтақадаги тарқоқликлардан ва оғир шароитдан фойдаланиб, ёвуз ниятларини рўёбга чиқаришда ҳеч нарсадан тоймайдилар.

Шуни унутмаслик керакки, 1917 йилда Ленин бошлиқ болшевиклар демократик ҳаракатларидан ва ҳуқуқлардан тўла фойдаланиб, юзага чиқдилар. Ҳамда тенглик, озодлик ва тинчлик ниқобида ҳокимиятни босиб олдилар. Ҳатто Ленин мусулмон аҳолисига эркинлик ва дин дахлсизлиги берилиши ҳақидаги мурожаатнома эълон қилди. Аммо, кўп ўтмай шундай қирғинбаротлар ва талон-тарожлар, зўравонликлар ва таъқиблар ҳукм сурдики, таърифлашга қалам ожизлик қилади.

Бундай мисли кўрилмаган даҳшатли фожиаларга қайта йўлиқмасликнинг якка-ягона йўли иқтисодий қийинчиликларнинг асирига айланмай ва коммунистларнинг ҳийла-найрангларига учмай, мустақилликнинг хавфсизлигини таъминлашга жонини ҳам, молини ҳам фидо қилишдан иборатдир.

**Ҳамид ЗИЁЕВ,**
**профессор**



**Кўзларингга қувончлар тўлсин,**
**Бахтли бўлгин, мунис қизалоқ!**

# «ЯНА БАҲОР КЕЛДИ...»

Атоқли шоиримизнинг шу сўзлар билан бошланадиган шеъри хаёлимизда ажиб манзараларни бўйлатади. Ҳа, яна баҳор келди, у энг маъсум ҳилқат ва у қалбларга умид олиб кираверади. Қўша-қўша байрамлар, яъни орзулар фасли бу.

Турли мушоира-ю беллашувларимиз ҳам шу фаслда авж топади. Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ Маданият саройида Тошкент шаҳри олий ўқув юртлари ўртасида анъанавий «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат университетининг «Шоввозлар» ва Тошкент Давлат автомобил йўллари институтининг «Ўзавтоюлдуз» жамоалари чақирув қоғози, тезкор савол-жавоблар, қувноқ мусиқий танаффус, уй вазифаси каби ҳазил ва кулгуга бой бўлган шартлар асосида ўзаро беллашдилар. Кўрик-танловда ТошДУ «Шоввоз»лари маҳоратларини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Муҳими ғалабами дейсиз?» «...муҳими ғалабагача бўлган ҳаракат», деган эди доноларимиздан бири.

**Б. ПИРНАФАСОВ**

# ГАВҲАР ЭКСАНГ, ГАВҲАР УНАР...

Намангандан алангали салом!

Ассалому алайкум ҳурматли «Миллий тикланиш» рўзномасининг таҳрир ҳайъати аъзолари.

Сизларга мактуб йўллар эканман, ҳозирги ижодий фаолиятингизни ва ушбу рўзноманинг дунёга келишини келажакдаги унумдорлик, серҳосиллик манбаи ҳисобланган баҳордаги шивалама ёмғирга қиёсладим. Бошқача қилиб айтганда, исми жисмига монанд бу ижодий нашр мустақиллик шароитида муҳим бир маънавият хазинасини ўзининг бебаҳо жавоҳирлари билан бойитмоқда. Барча соҳалар каби ижтимоий-сиёсий аҳволни ҳам, ҳаётимиздаги камчиликларни ҳам холисона шарҳламоқда.

Рўзноманинг барча сонлари билан мунтазам танишиб борар эканман, ундаги турли соҳа олимларининг, фан намоёндаларининг, мухбир ва муаллифларининг фикрлари ойдин, замон талабига мос эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Рўзнома маънавий савиясини яна мисоли бир «булутсиз мовий осмон»га қиёслаш мумкин. Бу «булутсиз осмон»да тунлари ҳам юлдузлар жимирлаб, нур сочиб турибди. Улар қайси буржга тааллуқли эканини оддий кўз билан осонликча билиб олиш мумкин. Чунки фикрлар осмонида заррача ҳам булут (ғараз) йўқ.

Айниқса, рўзномада эълон қилинган (1996 йил 20 февраль сони) Эркин Аъзамнинг «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа» номли мақоласи эътиборимни ўзига жалб қилди, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришга даъват этди.

Мақола билан танишар эканман, руҳиятимга беғубор нимадир таъсир қилди. Буни мақоладаги фикр-мулоҳазаларнинг ҳаётийлиги билан изоҳлаш мумкин. Умуман, рўзномада бундай руҳдаги мақолалар олдин ҳам анча эълон қилинган эди.

Менимча, муаллиф «Эгри ўтириб, тўғри сўзла» қабилида холисона фикр билдирган. Балки ушбу мақола менинг шарҳимга муҳтож эмасдир. Барибир мақола таъсирчан. Ўтмишдаги бир ёқламачилик ва қотиб қолган назариялардан энсаси қотган биздек маърифатга, ҳаққа муҳтож кимсалар учун эса бу бир туб бурилиш, янгиланиш, покланиш, энг муҳими, миллий ва маънавий тикланиш ҳамдир. Бу ўринда рўзноманинг илгариги бир сонида эълон қилинган (афсус, унутибман) фан арбоби Муҳсин Валихоновнинг «Одам маймундан пайдо бўлмаган» номли мақоласи ҳам юртимизда рўй бераётган фикрий камолатнинг белгиси дегим келади. Умуман олганда эса, «Миллий тикланиш» рўзномасининг дунёга келиши чоғида кўзланган ният ва орзуларга, мақсадларга амалда эришилмоқда. Бу эса фирқанинг ҳам ҳаётидаги улкан зафар ва чиндан ҳам олқишга сазовордир.

Энди мақолага қайтсак. Қаерда ва қай бир соҳада, сиёсатда, иқтисодда, идоралар, ташкилотларда ва ҳатто оила муҳитларида ҳам ғараз мавжуд экан, бу билан қилган ишимиз ва чора-тадбиримиз қум устига қурилган бинога ўхшаб қолади. Оқибати эса маълум... Демак вақт—олий ҳакам, халқ — олий ҳакам.

Шундай экан, биз чалғимай, оғишмай барчамизга Аллоҳ томонидан инъом этилган бебаҳо неъмат — ақл ва тафаккур, хулоса воситасида «етти ўлчаб бир кес» қабилида яшамоғимиз зарур. Ҳақиқатан ҳам, ҳали мустақиллигимизни яйраб, очиқ кўнгил билан кутиб олмаётганлар хоҳ ичимизда, хоҳ четда бўлсин, бор. Ҳозирги шароитда тез-тез тилга олинаётган «демократия» сўзига эҳтиёткорлик билан мурожаат қилмоқ керак. Бу сўзни қайси ниятда айтилаётганига кўпроқ эътибор берайлик. Чунки бу муҳим бир ижтимоий мувозанат манбаини ғаразли ва адоватпешалик манбаи сифатида ҳам қўллашлари мумкинки, агарда эндигина ўзлигини англаб, миллий ифтихорини намоён этаётган халқимиз онги бундай «демократик» ёки ёвуз ниятли орзу-ниятлар исканжасига тушиб қолса, четдаги ва ичимиздаги пинҳона ғанимлар тегирмонига сув қуйилди деяверинг. Аллоҳим ундай ёвуз ниятларни ўз ёвузликларига гирифтор этсин! Яратувчи Раббимиз ҳам ер юзидаги бузғинчи ва ғаразгўйларни севмайди. Бу хусусда Аллоҳ таоло ўзининг муқаддас каломи Қуръони каримда марҳамат этиб айтадики: «Уларга: «Ер юзида бузғинчилик қилманглар», дейилса, «Биз — ислоҳ қилувчилармиз», — дейдилар. («Бақара» 11). Бу оят ана шундай ғараз ниятли сохта демократларга тегишли бўлса не ажаб. Яна Аллоҳ билгувчироқдир. Нима бўлганда ҳам, Аллоҳнинг бу каломи биз учун тўғри фикр юритиб, оғишмаслигимиз учун огоҳлантиришдир. Шоядки, ҳаётимиз фаровон ва юртимиз тинч бўлса! Барча ғаразгўйлар, бузғинчилар Аллоҳ кимни азиз қилган бўлса, уни ҳар қанча хор қилишга уринмасинлар, у азиз бўлиб қолаверишини наҳотки билишмаса? Илоҳим, фақат эзгу ниятли пок мусулмон бандаларингни ўзинг қўллаб-қуватлагин!

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, танқидчи ҳам ҳақиқий туғма бўлсагина, танқидчидир. Ёмон ниятли, ғаразгўйлар ҳақида эса изоҳнинг ҳожати йўқ! Одатда «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» дейишади. Лекин ўша қассоб ўз касбининг моҳир эгаси бўлса нур устига аъло нур бўлур эди. Демак, иқтидор бошқа, касб бошқа деган хулосага келиш мумкин. Мисол учун, ясама қоғоз гулни олинг, у ҳеч қачон «кўкариб», гул бўлиб очила биладими? Албатта, бу юзаки, содда бир ўхшатиш. Лекин тушунган одамга у етарли. Демоқчиманки, сохталикнинг умри қисқа, оқибати хунук ва шармандалидир. Хонадонимиз, юртимиз обод бўлсин, десак доимо табиий, сара уруғлар экайлик, асло янглишиб сунъий ва сохтасига алданиб қолмайлик. Буларни англаб, ажратишда эса бизларга ақл ва тафаккур, хулоса, натижалар ёрдамга келади. Зеро, биз баъзи бир қийинчиликларга чидаймиз, аммо адолатсизлик ва ноҳақликларга чидай олмаймиз. Чунки бизнинг қонимизда ўтмиши буюк турон авлодларининг қони жўшиб турибди. Шундай экан, турли миш-мишу ғаламисликларга, бузғинликларга қалбимизда ўрин йўқ. Бундай нарсаларга асрлар оша давом этиб келган миллий ғуруримиз йўл бермайди. Ҳозирги даврда биз барча соҳалар каби ўзаро миллий янгиланиш даврини бошимиздан кечиряпмиз. Бундай сохталикка ҳеч ҳам ўрин йўқ.

Сизларга ижодий фаолиятингизда баркамоллик тилайман! Омон бўлинглар!

Охирги сўзимни хаёлимни безовта қилган шу тўртлик билан тугатмоқчиман:

***Эй халқим, ўзлигинг, авлодинг билгин!***
***Миллатсан, ғуруринг, орингни билгин!***
***Ким сени дунёга машҳур айлаган —***
***Жисмингда мавж урган қонингни билгин!***

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ**

Наманган шаҳри

# БОЗОР ИҚТИСОДИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Термизда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг туман ва шаҳар таълим ҳамда фан ходимлари фаолларининг семинар-ўқуви бўлиб ўтди.

Семинар-ўқувини Касаба уюшмалари Марказий қўмита раиси И. Абдуғаниев очди. Семинарда «Ўзбекистон мустақил давлатининг конститутсион кафолати» (М. Файзиев), «Бозор иқтисодиёти даврида республика ўрта умумтаълимини ривожлантириш режалари» (М. Султонов), «Мустақил Ўзбекистон давлатида ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва юксак маънавият руҳида тарбиялашда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг роли» (Т. Тошлонов), «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва ўрта махсус ўқув юртларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш» (Ш. Бўтаев), «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг касаба уюшмалари олдига қўйган вазифалари асосида касаба уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» (И. Абдуғаниев) маърузалар қилинди. Семинар-ўқувда эркин бозор иқтисоди шароитида касаба уюшмалари фаолиятининг яна бошқа қатор муҳим масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**Т. ТОШПЎЛАТОВ**

*Қадрим булоқлари*

# ҚОЗИ КАЛОННИНГ ИНСОФИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг бой ва қизиқарли тарихига, бу халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим воқеаларга, халқнинг беназир маданий меросига, унинг бир-биридан ажойиб фарзандлари қисматига янгича муносабат пайдо бўлди, улар ҳақида инсоф ва ростгўйлик билан битиладиган асарларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бу бежиз эмас. Негаки, коммунистик мафкура якка ҳукмронлик қилган кейинги бир неча ўн йил давомида халқимиз ўтмишидаги кўпдан-кўп ибратли воқеалар ва шахслар «қизил империя» манфаатларига тўла мослаштириб қинғир кўзгуда кўрсатилди. Бу ҳол ўн минглаб, юз минглаб ўқувчиларни ўрни-тагида бўлмаган нарсаларга ишонтириб, йўлдан оздирди. Халқимизнинг асл қиёфасини ёркин кўзгудек акс эттирувчи бундай воқеа ва шахсларга муносабатда ўша даврдаги тадқиқотлар учун хос бўлган икки хунук хусусият деярли ҳамиша етакчилик қиларди. Биринчиси, ўша воқеа ва шахсларни кўриб-кўрмасликка олиш, иккинчиси эса улар учун тасодифий бўлган арзимас бир нуқсонни топиб, унга коммунистик мафкурага хуш келадиган тавқи лаънат илиш. Бунинг номи синфийлик деб аталарди. Совет даври тадқиқотчиларининг деярли барчаси шу «сабоқ»ни ўқишган ва ўз асарлари орқали бошқаларга ўқитишган.

Асл фактларга, ҳалол мантиққа асосланиб, ўз қалбини ўқувчига кафтида тутгандек баралла очиб берадиган тадқиқотлар яратиш даври энди келди. Шу руҳда яратилган кўплаб асарлар эълон қилинмоқда ва халқимиз маънавиятини бойитмоқда. Ҳақ сўзни айтиш учун республикамизда вужудга келган эркин вазиятдан фойдаланиб, халқимизнинг XIX аср иккинчи ярмидаги ҳаётида ибрат намунаси бўлиб қолган мураккаб тақдирли фарзандларидан бири ҳақида ҳужжатларга таянган ҳолда баъзи янгича мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Гап Тошкентни Россия босиб олган пайтда шаҳарнинг қози калони лавозимида бўлган Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғиллари хусусида бормоқда. Ўзбекистон тарихига оид кўпгина китобларда бу мўътабар зотнинг номи худди шу босиб олиш воқеаси билан боғлиқ ҳолда тилга олинган ва унинг фаолияти аксар ҳолларда, ўзининг қози калонлик лавозимини сақлаб қолиш мақсадида генерал Черняевга шаҳар дарвозаларини очиб берган тамагир, амалпараст шахс сифатида баҳоланган.

Ҳа, душман ҳужумини даф этиш йўлида энг сўнгги тадбирлар ҳам муваффақиятсиз тугаб, босқинчилар шаҳар аҳолисини бўғиб ташлаш учун мислсиз ёвузлик билан иш тутган бир шароитда Ҳакимхўжа қози калон, домулло Солиҳбек охунд, Абулқосимхон эшон каби улуғ зотлар фақат халқ тақдирини ўйлаб, таслим бўлишга розилик билдирганликлари тарихий ҳақиқатдир. Лекин ўта покдомон, валийсифат бу зотларнинг охирги чора сифатида юрак ғижимлаб амалга оширган ишларини Тошкентни Россияга топшириб бойлик орттириш, амалга миниш мақсадида ўз халқидан яширин равишда Россия императорига ариза битган, рус амалдорлари билан тил бириктирган баъзи «ватандош»ларимизнинг қилмишлари билан торозунинг бир палласига қўйиш инсоф ва ҳақиқатга хилоф ишдир.

Тошкентни русларга топширишга бу улуғ зотларни нималар мажбур қилди, улар бу воқеадан илгари ким эдилару ундан кейин ким бўлиб қолдилар, деган саволларга пухта далиллар асосида жавоб берилса, ҳақиқат равшан бўлади деб ўйлаймиз.

Домулло Солиҳбек охунд ва Абулқосим эшон ҳақида шу мақоланинг ўзида баъзи гаплар айтишни ваъда қилиб, ҳикоямизнинг бош қаҳрамони Ҳакимхўжа қози калон хусусида тўхталсак. Аввало, руслар Тошкентни босиб олгач, қози калонлик мансабини ўз қўлида сақлаб қолишни Ҳакимхўжа эшон тама қилдими? Агар тама қилган бўлса, энг катта ўрис амалдорлари ҳузурида ўзини қалай тутиш керак эдию аслида қандай тутди?

Биринчи саволга жавоб бериш учун Ҳакимхўжа эшон Кўқон хони Султон Сайидхон ҳукмронлиги даврида бу лавозимга қай тариқа чиқиб қолганини билиш алоҳида аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Батафсил жавобни биз «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1890 йил 3 ноябрдаги 43-сонидан бошланиб, 46- ва 49-сонларда давом эттирилган «Тошканд шаҳрининг улуғ ҳурматли қози калони Сайид Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғиллари аҳволлари хусусида» деб аталувчи салмоқли таржимаи ҳол асарида учратдик. Асар газетанинг уч сонида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинганидан сўнг тўхтатиб қўйилганига қарамай, унинг тафсилотларга тўла давоми борлиги шундоққина сезилиб турарди. Бу ҳол бизни асар давомини архивлардан излашга чоғлантирди. Меҳнатимиз зое кетмади, унинг рус тилига таржима қилинган тўла нусхаси топилди, афсуски, ўзбек тилидаги тўла нусхага дуч келмадик. Лекин русча тўла нусханинг ўзи ҳам Ҳакимхўжа қози калон фаолиятининг асосий қирралари ҳақида маълумот олиш, унинг буюк ибрат намунаси бўлмиш феъл-атворини идрок этиш учун бой маълумот беради.

Ўқувчида Туркистонда ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ҳафтада бир марта, кичик ҳажмда чиқиб турган ўзбек тилидаги ягона газетада мустамлака амалдорларига унчалик ёқмаган қози калон ҳақидаги ҳажм жиҳатидан катта таржимаи ҳол асари нечук бир неча сонда икки тилда босилди, деган савол туғилиши мумкин. Лекин гап шундаки, худди ўша йиллари газета ўлкада кенг шуҳрат қозонган зиёлиларнинг ҳаёт йўлини акс эттирган таржимаи ҳол асарлари туркумини эълон қилиш билан газетхонларни жалб этиш йўлини тутган эди. Сатторхон Абдулғаффоров, Зокиржон Фурқат, Мирзо Абдулло Исамуҳаммад ўғли, Ибни Яминбек Худоёрхонов ва бошқа йирик зиёлилар хусусида эълон қилинган таржимаи ҳол асарлари ана шу мақсадга хизмат қилган эди. Таҳририят ўз замонасининг йирик арбоби, маърифатпарвари бўлган Ҳакимхўжа қози калон таржимаи ҳолига оид бу йирик асарни ҳам қабул қилиб олади, тўлалигича эълон қилишга чоғланадию (тўла эълон қилиш нияти бўлмаса, анча маблағ ва меҳнат сарфлаб тўлалигича русчага таржима қилдирмаган бўларди) бироқ бизга номаълум сабабларга кўра уч сондан сўнг уни чоп этишни бас қилади. Ваҳоланки, Фурқатнинг «Саргузаштнома» си ўн уч сонда, Сатторхонники ўн бир сонда чоп этилган ва ҳоказо.

Асарнинг газета уч сонида босилиб чиққан қисми Ҳакимхўжа эшоннинг аждодлари, оилавий муҳити, ҳамма ҳавас қилса арзигулик илм ҳосил қилиш ва биз учун энг муҳими, қози калонлик лавозимига қай тариқа чиқиб қолиши хусусида батафсил ва қизиқарли маълумот беради.

«Ул жанобнинг ота-боболари аввалдан улуғ мартабада маълум ва машҳур бўлуб келгандурлар. Ўттуз восита бирла ота тўғрисидин Ҳазрат Али разиаллоҳга, улуғ боболарининг оналари сабабидан ҳазрати Фотима разиаллоҳ анҳога етадурлар», деб бошланади асар.

Бир гапни қўшимча қилай. 1976 йилда Ҳакимхўжа қози калоннинг эвараси, ўрта мактабда менга риёзатдан дарс берган домлам Акбар Аъзамов билан у кишининг катта боболаридан қолган Себзор даҳа Қози кўчадаги ҳовлида кўришиб, яна ўша зотдан қолган «Далойил» номли катта диний китобни варақлаганимизда қози калоннинг ўн тўрт авлод наридаги боболари Хўжа Али Шайх 440 йил илгари Арабистондан Тошкентга кўчиб келиб, муқим бўлиб қолганлиги, ундан мавлоно Ёқубхўжа шайх, ундан Хўжа Усмон Муҳаммад Олим шайх, ундан Хўжа шайх эшон, ундан Муҳаммад Қорихўжа, ундан Норхўжа эшон, ундан Ҳакимхўжа эшон туғилганлиги хусусида вақти-вақти билан қозилар муҳри босилиб турган васиқага дуч келган эдик. Ана шу васиқа ҳам Ҳакимхўжа қози калон пайғамбар авлоди эканлигини кўрсатувчи далиллардан бири бўлади деб ўйлаймиз.

Асарда айтилганидек, 1217-нчи санайи ҳижрий (мелодий 1802)да олами вужудга келган Ҳакимхўжа фиқҳ илмини Султонбой домуллода, илми мантиқ ва илми каломни Мир Иноятулло домуллода Тошкентда ўргангач, Кўқонда Амир Умархоннинг пири ва шайхулислом ҳазрат Зокирхўжа эшон қўлида олти йил мобайнида илми ҳикмат, илми усул ва илми баёндан таълим кўргач, ул зотдан фотиҳа олиб, Бухорои шарифда таҳсилни давом эттиради: Кўкалдош мадрасасининг улуғ мударриси Мирзо Солиҳ домуллодан илми ҳадис ва илми тафсирни, «жамъии илми ҳисоб»ни эса ҳазрати Хўжа калондан ўрганиб, яна тўққиз йил мобайнида ҳазрати қутбултариқат ва ғавсулҳақиқат Муҳаммад Ҳасан жанобларига мурид тушиб, илми тариқат ва илми ҳол ҳосил қилади. Шу тариқа Ҳакимхўжа 33 ёшига қадар илм оламида муттасил риёзат чекади ва Тошкентга қайтиб келиб, мадрасада илми қаввол ва илми ҳолдан дарс айтадиган бўлади. Сал кам ўттиз йил мобайнида бу илм заҳматкашининг энг севган машғулоти анвойи китоблардан олган билимларини сон-саноқсиз шогирдларига етказишдан, уларни ҳақиқат йўлига бошлашдан иборат эди. Ҳакимхўжа эшон фаолиятининг мадрасада мударрислик даври ҳақида фикр юритилар экан, асарда бундай ёзилади: «Бир неча мартаба Туркистон музофотини мусулмон улуғ ҳукуматдорлари улуғ мансабларга таклиф қилдилар. Ул жаноб кўб узрлар била баёни ҳол қилиб, аларни яхши сўзлар била қабул қилдуруб катта мартабаларни қабул қилмадилар. Ва ҳеч вақт мусулмон замонда подшолик мажлисига борган эмаслар. Балки ушбу вилоятларни подшо, вазиру ҳокимлари ул кишини зиёрат қилиб, дуоларини олмак ва насиҳат эшитмак учун хизматларига уйларига келур эдилар ва ҳамма вақт аларга рост сўзни хавф қилмасдин айтиб насиҳат қилур эдилар... ва ул жанобни насиҳатларини эшитган одам кўзларидин ёш оқузуб, кўб ихлослари билан қабул қилур эдилар. Ҳеч вақт ўзларини фойдаси учун рост сўз била насиҳат беришдин тўктаган эмаслар. Ҳар нечук кўнгли қаттиқ одам ул кишидин яхши сўз эшитиб, албатта кўнгли мулойим бўлгандур ва ҳама одамлар бул ҳосиятни ул кишини валийлик қувватидин деб фаҳм қилур эдилар».

Мана шу парчанинг ўзида Ҳакимхўжа эшон феъл-атворига хос етакчи жиҳатлар анча яққол кўринади. Замонасидаги амалдорлар ҳузурига хоҳ илтимос билан, хоҳ шунчаки суҳбатлашиш учун боришни умуман ўзига эп кўрмаса, шу сабабдан катта-катта ҳукуматдорларнинг ҳаммаси унинг зиёратига келса, зиёратга келган амалдорларга ҳеч қўрқмасдан ҳақиқат гапни муттасил айтиб, уларни тўғри йўлга солса, қайта-қайта таклиф этилган юқори мансабларнинг бирортасини қабул қилмай, инсоф ва мантиқ кучи билан рад этса, қиличидан қон томган ҳукмдорлар эшон билан суҳбатдан сўнг мулойим тортиб, инсофга келиб қолса, бизга яна нима керак?

Шундай бир шароитда, шунақа табиатли одам Тошкентдай шаҳри азимнинг қози калони лавозимини қабул қилиши ақлларни лол қолдирадиган иш бўлган албатта. Лекин катта амалларга беписандлик билан қарайдиган, тўғрироғи, шариатга хилоф бирор ишга йўл қўйиб гуноҳкори азим бўлишдан ҳамиша ўзини эҳтиёт қиладиган бу валийсифат зотни ўз даврининг уста сиёсатдонлари, айтиш мумкинки, қози калонлик лавозимига зўрлик билан ўтказиб қўядилар.

Асарда тасвирланишича, Қўқон хони Султон Сайидхон ўз бош вазири Алимқул билан биргаликда Ҳакимхўжа эшонни Себзор даҳасидаги уйида зиёрат қилиб қайтгач, Тошкент Ўрдасига бориб, сафар чоғида ўзига ҳамроҳ бўлган шайхулислом Сулаймонхўжа эшон, Қўқоннинг қози калони Абдуваҳобхўжа эшон, ҳарбий қози Зиёвуддин маҳдум ва бошқа катта уламолар билан машварат қилиб, Ҳакимхўжа эшонни Тошканд шаҳри ва музофотига қози калон қилиб тайинлаш тўғрисида якдиллик билан тўхтамга келадилар. Шундан кейинги воқеалар баёни қуйидагича:

«Бул мақсад била аввало жаноби вазири мазкур (Алимқул демоқчи — Ш. Ю.) бу жаноб хизматларига зиёрат учун мушарраф бўлуб, бул мақсадни тўғрисида қарийб тўрт соат ўлтуруб арз қилдиларки, жаноби хонимизни шул мақсадларини қабул қилсалар деб ҳамма халойиқ манфаати учун кўб такроран илтимос қилдилар. Бул жаноб ул вазирни илтимослари дафъига кўб сўзлар айтиб ва ҳадисдан ўзларини бул лавозимни адо қилишга ожизликларини баён қилиб зоҳиран мулойим сўзлар била ул жаноби вазирни суҳбатларини тамом қилиб, алҳосил бу лавозимни ул мажлисда бўюнларига олишни қабул қилмадилар. Ул вақтда Тошканд шаҳрини ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги эди. Андин бул муддао билан Мирзо Аҳмад қушбегини бир ой ичида тўрт-беш маротаба ҳам саркардалари била ул жанобни хизматларига юбордилар. Мазкур қушбеги келиб кўб мартаба ул жанобга арз қилдилар. Ул жанобга ҳеч важҳ била маъқул бўлмади. Охир аларни илтимоси кўб ҳаддин ошгандин сўнг ул жаноб дарғазаб бўлиб, мазкур қушбегига кўб қаҳру ғазаб била қаттиқ муомалалар қилдилар... Шундоқ қаттиқ сўзлар эшитса ҳам ихлосига футур етмасдин, ул мажлисдин кўб хафа бўлиб чиқиб кетдилар. Андин сўнг мазкур Хўқанд шаҳридин келган ҳазрати шайхулислом ва соир катта уламолардин бул хусусда жаноби вазири мазкур шариат ҳукмини сўрадиларки, бул замонда шариат ишига мутасадди бўлиб турғувчилар кўп бепарволикка кетган сабабдин шариат йўлига кўб халал етди ва аҳли ислом ишларига футур етди. Шундоқ вақтда бир одаме бўлсаки, ҳама аҳли ислом эътиқодларида шул кишидин бошқа одам шундоқ замонда мутасаддийи шариат ҳукмини камоҳий Худойи таоло ва Расулиллаҳни ҳукмларига мувофиқ жорий қила олса, деб жазм қилсалар. Ва шул ҳолда ўшандоқ одамни қози бўлмаги нимадур ва қозиликни қабул қилмаслиги нечук бўлур деб. Ва мазкур жаноби уламолар жавоб бердилар: мундоқ ҳолда андоқ кишини қози бўлмаганлиги мисли намоз ўқумакдек фарз бўлур ва қабул қилмаслик гуноҳдур деб».

Ҳамиша шариатга сўзсиз итоат қилиб ўрганган, савоб ёки гуноҳ ишларнинг оқибатини яхши билган Ҳакимхўжа эшон учун қози калонликни қабул қилишдан бўлак йўл қолмаган эди. Лекин шунда ҳам Ҳакимхўжа эшон ўзининг бирор узри шариат пешволари назарида инобатга олинса керак, деган хаёлда бўлган шекилли, уни хон таклифига кўра ўрдага келтиргач, энг катта уламолар яна ўртага олишади: «Ўзингизга маълумки, бул тўғрида ушбу лавозимни қабул қилмагингиз қандоқ лозимлиги ва сиз қабул қилмаган ҳолда бир номуносиб одам бул ўрунга ўлтурса ва бул сабабдин шариат йўлига ҳар нечук раҳна бўлса, ҳаммасига Сиз сабаб бўлуб, гуноҳига шерик бўлурсиз». Энди Ҳакимхўжа эшон учун охирги нажот туйнуги ҳам тақа-тақ ёпилган эди: мусулмон одам нариги дунёда ўз гуноҳлари учун қандай жавоб беришни ўйлаб, умрини тоат-ибодат, тавба-тазарру билан ўтказади. Энди бошқа нобоп амалдорларнинг гуноҳига шерик бўлиш ва рўзи маҳшарда жавоб бериш ҳам бормиди. Шундан сўнг, дейилади асарда, «музтарлик воқеъ бўлуб кўб йиғладилар ва ҳам аларга дедиларки, «сизлар Худойи таборак ва таоло жонибида гувоҳ бўлуб хабар берасизлармуки, шул қози калонлик лавозимига кирмак менга фарз бўлди, шул сабабдин кўра-била қозикалонликка мансуб қилинди» деб. Ул азизлар жавоб бердиларки, «бизлар ҳаммамиз бул сўзларни айтамиз, Худойи таоло ва Расули Худо ҳукмларидин айтамиз, албатта гувоҳ бўламиз», деб. Ул ҳолда ул жаноб ноилож бўлдилар».

Шундан кейин зўр тантана билан Ҳакимхўжа эшонга қози калонлик ёрлиғи тақдим этилиб, «ҳаддан ошган яхши саруполар», «тилла жабдуқлар билан ясатган от пешкаш қилдилар». Шундай тантана чоғида ҳам қози калоннинг кўнгли сира ёришмайди, орадан бир неча кун ўтса ҳам янги фахрли лавозимни адо этишга раъйи бўлмайди.

Шу орада тошкентлик бир қози билан бир аъламни хиёнатли ишда айблаб хон ўрдада сўроқ қилаётганини, улар ўлим жазоси олиши ҳам мумкинлигини эшитган янги қози калон дарҳол отга миниб ўрдага йўл олади. Хон билан бош вазирга қўққисдан шундай дейди: «Сизларга қандоқ одам кўрсатдики, катта уламоларни шундоқ беҳурмат била таъзири ўлдурмакка буюрсин деб! Ва ҳар ким шундоқ кўрсатган бўлса, шариатга мухолиф, хато кўрсатибдур. Шариатда уламоларни таъзирлари бўлак тариқада бўладур».

Хон ва бош вазир гуноҳкорларни ўлим жазосидан қолдириб, қози калон ихтиёрига топширади. Гуноҳкорларга ўзига яраша жазо белгилаган қози калон янги лавозимда қилган биринчи савоб ишидан кўнгли ёришиб, ўз вазифаларини адо этишга киришади.

Ҳакимхўжа эшон ўзининг янги лавозимида шариат қонунларига қай тариқа оғишмай амал қилганлигини кўрсатувчи кичкина бир мисол келтирмоқчимиз. Табаррук зот бу лавозимга чиққунига қадар ўлкада ҳукм сурган таомилга кўра қозилар даъвогарларнинг ёзма ҳужжатларига муҳр босиб берганлар ва муҳр ҳақи олганлар. Янги қози калон муҳр ҳақи олиш мумкинлигини шариат китобларига кўра исботлаб беришни қозилардан талаб қилган ва, аслида бу таомилни бекор қилиш мақсадида бўлган. Қозилар шариат қоидаларини қанчалик ғалвирдан ўтказмасинлар, муҳр ҳақи олиш мумкинлиги ҳақида ҳеч бир далил топа олмаганлар ва ўзларидан олдинги қозилар бу таомилни жорий қилганларида нималарга асосланганини билолмай ҳайрон эканликларини қози калонга маълум қилганлар. Қозилар оғир аҳволда қолганини кўрган қози калон ўзининг ҳали ўспирин ўғли Муҳиддинхўжага шариатдан нима бўлса ҳам муҳр ҳақи олиш мумкинлигини кўрсатувчи бирор фатво топишни топширади. Бир неча ой мобайнида шариат китобларини ков-ков қилган Муҳиддинхўжа ниҳоят улардан бирида қозиларга муҳр ҳақи олишни ман этувчи фатвони топади ва ўша китобдан уни кўчириб олиб отасига кўрсатади. Ўғли шариат ҳукмини ота ҳукмидан устун қўйганлигидан беҳад мамнун бўлган қози калон кўплаб қозилар иштирок этаётган анжуман чоғида: «Ўғлим бўлажак қози сифатида муҳр ҳақига рухсат берувчи фатво топиш ўрнига мусулмони комил сифатида уни ман этувчи фатво топиб, ҳақиқий шаръий йўлдан боражагини кўрсатди. Бу ҳол барҳаётлик чоғимдаёқ ўғлим менга энг яхши ёрдамчи, вафотимдан кейин эса сизларга энг яхши раҳнамо бўлишидан далолатдир», дейди.

Ҳакимхўжа шариатга шу қадар эҳтирос билан хизмат қилган улуғ зот эди.

Ҳакимхўжа эшоннинг Тошкент қози калони вазифасига келиб қолиш тарихи ана шундай. Наҳотки бошқалар умр бўйи орзу қилган бу лавозимга юқоридагича муносабатда бўлган покдомон эшон орадан икки йил ўтар-ўтмас қози калонликда қолишни умрининг бош мақсади деб билиб, ўрис мустамлакачиларини қучоқ очиб кутиб олган бўлса.

Йўқ, ўша замондан қолган даврий ва нодаврий матбуот саҳифалари ва бошқа маълумотлар Ҳакимхўжа қози калон ўз юртининг ғайри дин босқинчилар оёғи остида топталмаслиги учун қўлидан келган ҳамма ишни қилганини кўрсатади. Жумладан, ўша «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган асарнинг босилмай қолган русча қисмида ўрис аскарлари Тошкентга томон юра бошлаши билан Ҳакимхўжа Бухоро ҳукмдори амир Насрулло ҳузурига борганлиги, Қўқон хонлиги ҳудудидаги халойиқ бошига тушиши муқаррар бўлган фожиалардан уни воқиф қилганлиги, амир Музаффар қози калонга ҳурмат-ихлос баён этиб, Тошкент ҳимоясида албатта қатнашажагини айтганлиги алоҳида таъкидланади. Ҳакимхўжа қози Бухородан Тошкентга қайтиб келганида ўрис аскарлари шаҳар деворларига яқинлашиб, уни забт этиш тадбирларини кўра бошлаган эдилар.

Шундай бир мураккаб вазиятда пайғамбар ёшидан ошган қария қози калон қўлига қурол олиб, Себзор даҳасидаги кўпсонли ҳимоячиларни ғазотга бошлаганлиги, лекин Алимқул шаҳид бўлганидан кейинги умумий парокандалик Ҳакимхўжа аскарларини ҳам четлаб ўтмаганлиги муаррихларимизнинг баъзи асарларида баён қилинган.

Ҳакимхўжа қози калон ҳақидаги таржимаи ҳол асарининг русча нусхасида Тошкентнинг руслар томонидан босиб олиниши воқеалари ва шаҳар катталарини Черняев билан сулҳ тузишга мажбур қилган сабаблар, бу фожиали кунлардаги қози калоннинг фаолияти қуйидагича тасвирланган: «Аҳоли қаттиқ уйқуда ётган саҳар чоғида ўрислар Камолон дарвозасидан бостириб кирди. Бу ҳолатни кўрган халойиқ ўрислардан қочарди. Бироқ ҳамма кўчалар қуршаб олинганди. Шундай бир алфозда уч кунгача ўрисларга қарши жанг давом этти, тўртинчи куни эса Черняев шаҳарга барча томонлардан ўт қўйишни буюрди. Даҳшатли ёнғин бутун борлиқни маҳв этиб, Тошкент шаҳри кул тепага айлана бошлади. Ўрисларга ва даҳшатли ёнғинга қарши курашиш имкони қолмаган эди. Ниҳоят фуқаро Сайид Муҳаммад Ҳакимхўжа уйи олдида жамъ бўлиб, дарҳол ўрис қўшинлари бошлиғи билан сулҳ битими тузишни ундан илтимос қилдилар. Саид Муҳаммад Ҳакимхўжа халойиқнинг илтимосига бўйсуниб ва бўлак илож қолмаганини кўриб, генерал Черняев ҳузурига икки элчи юборади».

Юқорида айтилган икки элчининг бири қози калоннинг фарзанди аржуманди Муҳиддинхўжа бўлганлиги ва у отаси топшириғини қандай вазиятда амалга оширганлиги орадан 34 йил



ўтгач Туркистон генерал губернаторига ёзилган бир аризадан маълум бўлади. Арз қилувчи Муҳиддинхўжа қози ўша кунлардаги манзарани қуйидагича гавдалантиради: «Хўқанд амирлашкари Алимқули Шўртепа остида генерал Черняефни қўшунлариға югуруб ўққа учганда ва Тошканд шаҳрини аскария ва раъия ишларини саранжом қилиб турғувчи Қушпарвоначи қочганидан сўнгра Тошканд шаҳрини ичида жуда бебошлик воқе бўлуб бузулуб, ямон аҳволотдин халос топмоқни иложини истаб, машварат сўраб, дин ишлари хусусида бош бўлуб турғон мани отам хизматлариға келиб мажмаъ бўлуб эрдилар. Ман отамни буйруқлари билан ўлум хавфи остида ўрусия аскари турғон жойға боруб, генерал Черняефға манзур бўлуб, хизмат қилмоқни изҳор айладим». Шундан сўнг генерал Черняев Ҳакимхўжа номига махсус мактуб ва Тошкент аҳолисига мурожаатнома тайёрлатиб Муҳиддинхўжа орқали шаҳарга юборади.

Тошкент рус аскарларига таслим бўлиши билан боғлиқ воқеаларнинг давоми Ҳакимхўжа эшон ҳақидаги таржимаи ҳол асарида қуйидагича берилади: «Халқ раҳнамосига айланган бу донишманд қария кўпгина қози ва амалдорларни ёнига олиб, Черняеф қароргоҳига борди. У Тошкент шаҳрининг таслим бўлиши хусусида Черняеф билан музокара олиб бориб, ҳамма масалада ўз халқи манфаатлари сақланган ҳолда амниятнома тузилишига муваффақ бўлди».

Муаррихларимизнинг асарларида Тошкент тарафидан бу ишда бир неча киши бош бўлгани айтилиб, уч кишининг, яъни Ҳакимхўжа, Домулло Солиҳбек охунд ҳамда Абулқосим эшоннинг номларигина алоҳида таъкидланади. Юқорирокда биз бу ҳар учала улуғ зот аслида ҳақ йўлига ўзини тиккан, валийсифат одамлар бўлганликларини айтган эдик. Чунончи, Домулло Солиҳбек охунд ҳақиқат учун курашда ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмаслигини рус қўшинлари Тошкентни эгаллагач, генерал Черняев шаҳар катталарини тўплаб, гўё олдинги мусулмон ҳукмдорлардан кўп жабр-жафо кўрганимиз сабабли ўрус аскарлари ва сардорларини ўз ихтиёримиз билан олиб келиб, уларга шаҳарни топширдик, деган мазмунда жаҳон афкор оммасини чалғитишга мўлжалланган мурожаатнома тайёрлаб ва имзолаб беришни талаб этганида яққол намоён қилади. Ўша йиғиннинг иштирокчиси бўлган муаррих Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд»да Черняевнинг бу ҳаёсизларча талабига Домулло Солиҳбек охунд қандай қақшатғич зарба берганлигини тарих учун, келажак насллар учун қуйидагича муҳрлаб қолдирган:

«Биз воқеа бўлган ҳодисаларни тағйир ва табдил қилмасдан ҳаққоний равишда айтамизки, — деган эди у, — Туркистон замини ва Тошканднинг Оқмасжиддан Ғулжа тарафиғача бўлғон ҳар бир қалъа ва вилоятни насронилар ва русиялар жангу талошу муҳориба билан ўз ҳукуматлариға тобеъ қилдилар. Уларнинг аксари тунда тўсатдан, бевақт ва бетаваққуф ва бемуомала ва ҳеч нарса ваъда қилмасдан ва бемуҳлат ҳолда жангу муҳориба билан, қаттиқ талошу зўр қотиллик билан олиб борилди. Хусусан Тошканд шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан сафар ойининг ўн иккинчисига қадар сувсиз ва озиқ-овқатсиз қолдирилди. Амирлашкар Мулла Алимқули шаҳид бўлганидан сўнг шаҳар етакчисиз ва султонсиз, қўшунсиз-аскарсиз қолди. Бухоро амири ва Хоразму Урганч, Фарғона ва бошқа шаҳарлардан, Муҳаммад уммати бўлган қабила ва элатлардан беёрдам ва бекўмак ва бенажот, бекуролу беяроғ, бедорую бекўрғошин қолдирилиб, Тошканд фуқароси ва аҳолиси ва унда турғун бўлиб қолганлар динлари учун уруш-талош қилиб, сешанба, кечаси саҳар вақтида русиялар ва насоролар Хиёбон дарбозасидан ва тепаликлардан ошиб, фуқаролар ғафлатидан фойдаландилар. Фуқаро огоҳ бўлгач панжшанба кунигача муттасил жанг бўлиб, аксар иморатлар аланга ичида қолиб, ташна ва мадорсиз ҳолда йиқилиб-қўпиб, душману дўст арашиб кетиб қаттиқ елкама-елка жанг бўлди. Ва ахийри панжшанба куни пешин намозидан кейин насоро ва русиялар ваъда ва аҳдномалар билан сулҳга талабгор бўлиб, ярашишга майл кўргуздилар. Шундан кейин биз шарту шароитларга рози бўлиб сулҳ туздик», дея қатъий жавоб берган экан Домулло Солиҳбек охунд[1].

Мислсиз иймон-эътиқод билан берилган бу жавоб ўз бошига қандай катта фожиа келтиришини Домулло Солиҳбек охунд яхши билган албатта. Жавобдан сўнг ўзигина эмас, балки унинг жавобига қўшилган яна олти киши ҳам дарҳол Сибир сургунига жўнатилади.

Абулқосим эшоннинг улкан жасорат ва валийлиги 1892 йилги вабо қўзғолони вақтида ҳайратомуз даражада намоён бўлади. Тарихдан маълумки, чор истибдодига қарши кўтарилган бу қўзғолон туфайли 60 киши қамоққа олиниб, улардан катта бир қисми узоқ муддат билан каторгага ҳамда сургунга жўнатилган, Тошкент шаҳридаги барча даҳа қозилари ва амалдорлар вазифаларидан олиб ташланган, оддий аҳолининг ўтакасини ёриб юбориш учун шаҳарга юзларча рус аскарлари ғўдайтириб қўйилган эди.

Ана шундай бир даҳшатли шароитда Абулқосим эшон Тошкентнинг мўътабар кишиларини ўз ёнига олиб, расмий арзнома билан генерал-губернатор Вревскийга чиқади, эски шаҳардан рус аскарлари бутунлай олиб чиқиб кетилишига эришади. Шундан сўнг 30 июн куни Хўжа Аҳрор Жомеъ масжиди олдида катта йиғинда ўз ҳамшаҳарларига бу хушхабарни ўтказган Абулқосим эшон халойиқ даҳшатли вабодан ҳам яқин кунларда халос бўлишини Аллоҳдан сўраб, фотиҳага қўл очаркан, уни ўзи билан олиб кетиши ҳам ажаб эмаслигига шама қилади. Шу муносабат билан Н. Остроумов «Константин Петрович фон Кауфман — Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси» номли китобида қуйидагича ёзган эди: «Мункиллаган ёшида сўнгги кунлардаги воқеалардан (1892 йилги вабо қўзғолонидан демоқчи — Ш. Ю.) қаттиқ ларзага тушган муҳтарам Абулқосимхон шундан сўнг тезда (4 июлда) вабо касалидан вафот этди. Қизиқарлиси шундаки, шундан кейин вабо барҳам топганлигини тошкентлик сартлар унинг вафотига нисбат беришди. Ўзини Аллоҳ йўлига бағишлаган одамнинг ўлими ҳамиша гуноҳлари кўпайиб кетган одамлар бошига вабо юборадиган Тангрининг ғазабини юмшатади, дейишди улар».

Абулқосимхон ўз ўлими билан қутурган вабога қалқон бўлиши мумкинлигини шу тариқа каромат қилган эди ва бу воқеа узоқ муддат тилдан-тилга кўчиб юрди.

Энди ҳикоямиз қаҳрамони Ҳакимхўжа қози калоннинг Тошкент руслар томонидан босиб олинганидан кейинги фаолиятига келайлик. Бу фаолиятга доир қимматли маълумотлар илгарироқ зикр этилган қози калон таржимаи ҳолига оид асарнинг русча нусхасида, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумовнинг нашр қилинган китоблари ва кундаликларида, шунингдек, Муҳиддинхўжа қозидан бизгача етиб келган баъзи ҳужжатларда сақланиб қолган.

Илгарироқ айтилган Черняев ҳузурида бўлиб ўтган ва Домулло Солиҳбек охунд тақдирида фожиага сабаб бўлган йиғинда Ҳакимхўжа қози калон бўлганлиги баъзи асарларда қайд этилган. Адолат юзасидан шуни айтиш кераккки, Солиҳбек охунд қамоққа олинганидан кейин Черняев яна Тошкент катталарини йиғиб ўзи айтган мазмунда ҳужжат тайёрлашни улардан сўзсиз талаб қилади. Солиҳбек охунд кетидан яна бир катта гуруҳ Сибирга ҳайдалиши, шаҳар бошига янгидан мислсиз фалокатлар тушиши муқаррарлигини яхши англаган қози калон шундай ҳужжат тайёрлашни Абдусаттор Қорабой ўғли деган қозидан илтимос қилади, у тайёр бўлгач шаҳар катталари имзолаб Черняевга топширадилар, генерал эса Петербургга жўнатади. Бу кўнгилсиз ҳодиса Тошкентда Черняев келишидан олдин бир гуруҳ хиёнаткор кишилар қилмишининг фалокатли оқибати эдики, бунда Ҳакимхўжа қози ноилож қолади.

Таржимаи ҳол асаридан маълум бўлишича, Тошкентни ўрислар эгаллаганидан сўнг орадан бир неча ой ўтгач Туркистоннинг муваққат губернатори генерал Романовский билан қози калон ўртасида ҳаммани ҳайратга солган қаттиқ тўқнашув бўлиб ўтади. Ана шу тўқнашувда Ҳакимхўжа эшоннинг ички дунёси мислсиз қудрат билан намоён бўлади. Туркистоннинг янги бош ҳукмдори ҳузурида ўтган катта бир йиғинда унинг номига битилган ва шаҳарнинг барча янги йирик амалдорлари муҳри босилган лоф-қофдан иборат манзилгоҳ топширилган эди. Бу шармандали ҳужжатда қози калон муҳри босилмаганини кўрган Романовский Россия империяси қудратини кўрсатиб қўйиш учун уни ўзига итоаткор одамлар олдида дағдаға билан сўроққа тутади. «Бу қоғозда менинг муҳрим босилмаган бўлса, бунинг узрли сабаблари бор, — дея жавоб беради Ҳакимхўжа. — Негаки бу тавсифнома шариатга хилоф равишда битилган. Унда айтилган мақтов сўзларни бирорта ҳам мусулмон оғзига олиши мумкин эмас. Бу тавсифномани битган ва унга ўз муҳрини босганлар ислом динида эмаслар деб ҳисобланиши лозим. Бизнинг динимизга иснод келтиришга ҳеч ким сизга ҳақ-ҳуқуқ бермаган деб ўйлайман. Сиз ҳаддингиздан ошяпсиз. Мендан шу қоғозга муҳр босишни талаб этишга қандай журъат қилдингиз?» Романовский бу сўзлардан дарғазаб бўлиб, қутқу билан гапира бошлаган. Бироқ Ҳакимхўжа зарра бўш келмай Романовскийга: «Ҳаммамизни яратган Ҳақ Таоло бор. Унинг амри ҳар бир инсон учун муқаддасдир, бинобарин сизнинг амрингиздан юқори туради. Агар у хоҳласа, ҳаммамизни ва бутун оламни йўқ қилиб юбориши мумкин. Шунга кўра аввало Тангрининг амрини вожиб деб биламан. Агар Ҳақ Таоло мени Ўз паноҳида асраса, сизгина эмас, балки сиздан юқорида турганлар ҳам ҳеч нарса қила олмайсизлар. Агар Ҳақ Таоло менга жазо беришни хоҳласа, Унга қаршилик кўрсатиш бефойда ва ҳеч қандай куч, ҳеч кимнинг ҳомийлигию меҳрибонлиги Унинг жазосидан сақлаб қола олмайди. Муҳтарам жаноб, сиз мени қўрқутиш билан шариат йўлидан тойдиришга мажбур қиламан деб ўйлай кўрманг».

Бундай қаттиқ гапдан генерал Романовскийнинг ғазаби юмшади, Саид Муҳаммад Ҳакимхўжани алоҳида ясатилган хонага таклиф этиб зиёфат қилди ва анвои совғалар билан эъзозлаб уйига жўнатди.

Қози калоннинг бу муомаласидан кейин мустамлака амалдорлари унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар ва ҳамиша қўйниларида тош сақлаб юрадилар. Орадан бир неча ой ўтгач, 1867 йил бошида Туркистоннинг биринчи генерал губернатори К. П. фон Кауфман Тошкентда ўз фаолиятини бошлайди. Ўлка бош хокимининг энг аввал қилган ишларидан бири шу бўлдики, Ҳакимхўжа эшонни унинг Себзор даҳа Қози кўчадаги уйига бориб зиёрат қилади ва юртни бошқаришда қийинчиликларга дуч келган чоғларида унинг маслаҳатини олиш учун ҳузурига келиб туришга рухсат сўрайди. Бош ҳокимнинг ўта мунофиқлик билан қилган хуш муомаласига лаққа учган қози калон бир неча ой мобайнида у билан яхши муносабат ўрнатиб, ўз лавозимини адо этиб туради. Бироқ, юқорида айтганимиздек, Ҳакимхўжа эшон учун қўйнида тош асраган фон Кауфман уни қози калонлик лавозимидан узоқлаштиришнинг бир неча усулларини ишга солади. Бу усуллардан бири шаҳардаги тўрт даҳа қозиларини тугатиб, барча ишни олтмиш беш ёшли, касалманд қария устига ортишдан иборат ҳийла эди. Турган гапки, қози калоннинг ёши ҳам, соғлиғи ҳам масъулияти чексиз бўлган бу вазифани ўзи истагандек ҳалоллик билан адо этишига асло имкон бермасди. Шу муносабат билан ўз аҳволини тушунтириб генерал-губернаторга хат йўллаган Ҳакимхўжа эшон «Ундай бўлса, қози калонлик муҳрини топшира қолинг» деган мазмунда жавоб олади. Қилинган барча ҳийлагарликлар мағзини чаққан қози калон ўзининг чўян муҳрини катта темир парчаси устига қўйиб, чўнг болға билан мажақлагач, фон Кауфман номига ёзилган лавозимдан бўшаш ҳақидаги аризага ўраб жўнатиб юборади.

Буюк иймон ва инсоф рамзи бўлган Ҳакимхўжа қози калоннинг лавозимига шу тариқа чек қўйилган ва шундан сўнг Тошкент шаҳрида қози калонлик мансаби тугатилган эди. Зиммасидаги ғоят оғир юкдан қутулган Ҳакимхўжа эшон 1286 ҳижрий — 1869 мелодий йилда ёз чилласида бандаликни бажо қилди.

Унинг вафоти чоғида қозикалонлик лавозими барҳам топганлиги сабабли Ҳакимхўжа эшоннинг васиятларини инобатга олган тошкентликлар солиҳ фарзанд Муҳаммад Муҳиддинхўжани Себзор даҳа қозилигига сайлайдилар. Муҳиддинхўжа замона зайлини яхши тушунадиган, илғор фан-техникани, ўтмишдаги бой маданий меросни омма орасида қизғин тарғиб қилган кенг қамровли маърифатпарвар эди. Шу важдан машҳур рус олимлари ҳам, янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлари ҳам ҳамиша у билан ҳаммаслак, ҳамфикр эдилар. Масалан, машҳур шарқшунос В. В. Бартольд Муҳиддинхўжа қозининг қадимий китобларини, айниқса, унинг отасидан мерос қолган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг жаҳонда ягона мукаммал нусхасини, ноёб «Тарихи Табарий»ни ва бошқа нодир қўлёзмаларни ғоят қадрлаганлиги маълум. Жаҳон илмида катта воқеа бўлган «Зафарнома»нинг факсимилеси ЮНЕСКО қарорига кўра 1972 йилда ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларидаги муфассал муқаддима билан бирга чоп этилиб, халқимиз маънавиятини бойитганлиги аввало Ҳакимхўжа эшоннинг, қолаверса, унинг солиҳ фарзанди Муҳиддинхўжа қозининг хизматидир.

Зокиржон Фурқат Тошкентда яшаган йилларида Муҳиддинхўжа қози билан ғоят дўстона алоқада бўлган, ҳатто унинг хонадонида бир мунча вақт истиқомат қилган. Бу ҳақда машҳур «Саргузаштнома»сида қуйидагича ёзган эди:

«Хосса ул сиёдатпаноҳи каримтабъ Муҳиддинхожа қовийким, ҳоло номлари қазо девонининг дебочасиға туғродур, табиатлари фазилат аҳлиға мойил эрмиш, бир дўст воситаси бирла нишосалиғ муяссар ўлди. Мулоқот ва суҳбат воқеа ўлуб, аҳволимға шафқату марҳамат изҳор қилдилар ва низ тез-тез суҳбатларидин мустафид бўлмоқ ифодасини айлаб масрур қилдилар».

Миён Бузрук Солиҳов «Ўзбек театр тарихи учун материаллар» номли китобида Фурқатнинг дастхат девонига асосланиб (ҳали бу девон бошқа тадқиқотчилар қўлига теккан эмас), шоирнинг янгича маърифатпарварлик руҳидаги машҳур асарларидан «Суворуф хусусида» манзумасининг яратилишида Муҳиддинхўжанинг салмоқли ҳиссаси бўлганлигини ёзади.

Покдомон отаси сингари Муҳиддинхўжани ҳам Тошкент ҳокимлари Путинцев, Киселев, Лодиженский ва бошқалар умр бўйи таъқиб этганликлари, унга қарши турли иғво ва бўҳтонлар уюштирганликлари ҳақидаги маълумотлар инқилобдан олдинги манбаларда кўплаб сақланиб қолган. Лекин Туркистоннинг энг юқори мансабдорлари бу нопок ишларни зимдан уюштирган ҳолда ҳамиша асл қиёфаларини яширганлар.

Шу муносабат билан Н. Остроумовнинг «Константин Петрович фон Кауфман, Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси» номли китобида (у Тошкентда 1899 йилда рус тилида чоп этилган) келтирган бир лавҳасини эслаш ўринли бўлур эди. Лавҳада ифодаланишича, 1877 йилда Эйлер деган терговчи кимларнингдир ғаламислиги билан генерал губернатордан рухсат олиб Муҳиддинхўжанинг қозихонасинигина эмас, балки у яшаб турган ҳовли-жойни ҳам муҳрлаб кетади. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети»да махсус хабар ҳам босилиб чиқади. Мустамлака маъмурларининг бебошлигидан танг аҳволга тушган Муҳиддинхўжа қози ноилож фон Кауфман ҳузурига боради. Ўша куни генерал губернаторнинг қабул куни бўлмай, у генерал Абрамов билан ғоят муҳим масалани ҳал қилаётган пайт экан. Қози ўзини оқлаш учун қатъият билан айтган барча далилларни тинглаб бўлгач, фон Кауфман генерал Абрамовга қараб: «Сиз бу қозининг отасини биласизми?» деб сўрайди. Ундан «Биламан», деган жавобни эшитган генерал губернатор: «Йўқ, билмайсиз», деса, Абрамов яна «Биламан», дейишига қарамай, фон Кауфман: «Йўқ, сиз унинг отасини билмайсиз» деган сўзларни такрорлагач, «У зот Худодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмаган ажойиб инсон эди», дейди ва ўз буйруғини бекор қилиб, Муҳиддинхўжанинг қозихонасидан ҳам, ҳовли-жойидан ҳам муҳрни олиб ташлашга рухсат беради.

Шу парчани ўқир экансиз, Ҳакимхўжа қози калон шу қадар зўр иймон ва эътиқод эгаси эдики, унга ҳатто энг ёвуз душманлари ҳам тан берган, дея баралла айтгинг келади, киши.

**Шариф ЮСУПОВ**

---

**1.Кўчирма Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 7791 инвентар рақам остида сақланаётган Муҳаммад Солиҳ асарининг муаллиф дастхати бўлмиш нусхаси 674 «а» ва 675 «а»-бетларидан таникли шарқшунос олим А. Ўринбоев билан таржима қилиб олинди.**

# КЎРМОҚ ҲАМ САБОҚ, БИЛМОҚ ҲАМ САБОҚ

**(Академик О. Акрамхўжаев китобини ўқиб)**

Ҳаётни билиш — у билан боғлиқ ҳамма нарсани аниқ англаш ёки аниқ тасаввур этиш демак. Бунинг учун эса кун сайин, ҳатто соат сайин юксалиб, такомиллашиб боргувчи билим ва тажриба зарур. Дунёда тажрибага тенг келадиган, инсон шахсиятини шакллантиришда тажриба қадар аҳамият касб этувчи билим «корхонаси» йўқ деса муболаға бўлмайди. Чунки, тажриба инсоннинг ўз-ўзига ишончини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, халқ олдида эътиқодий қарашларини тасдиқлаш, ҳақиқат ва адолат йўлидан далил ҳаракат этишга ҳам кенг имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Обид Акрамхўжаевнинг яқинда Қомуслар Бош таҳририяти томонидан нашр этилган «Ҳаёт сабоқлари» номли эсдаликлар китоби, энг аввало, ана шу жиҳатдан эътиборга моликдир. Асарнинг дастлабки бобида шундай сўзларни ўқиш мумкин: «Отам мен ҳали бир ёшга ҳам тўлмаганимда, Чимкент вилоятидаги Турбат қишлоғидан Тошкентга қайтаётганларида Қозиғурт тоғлари орасида қароқчилар томонидан ўлдирилганлар». Бу — бир ёшга ҳам етмаган чақалоқнинг бошига мусибат тоғи қулашидай бир ҳодиса эди. Бундай бахтсизликдан ғолиб келиб, ижтимоий, илмий ва шахсий ҳаётда ўрнак бўларли бир мавқега эришмоқ учун ўзгаларнинг беғараз кўмак ва мададларию, сабр-бардошдан ташқари, кучли ирода, ўткир ақл ва кенг билим ҳам зарур эди, албатта. Шу маънода, ҳаётдаги аччиқ жафолар, турли-туман қийинчилик ва машаққатларни бошдан кечириб, ҳамма нарсага моҳиятига кўра баҳо бериш салоҳиятига эришган олимнинг қисмат йўли, хусусан, ёш авлод учун ибрат ва намунадир.




«Ҳаёт сабоқлари» — умрини илмга бағишлаган, Ўзбекистонда геология-минералогия фанининг тараққиёти учун ғайрат ва истеъдодини аямасдан тинимсиз заҳмат чеккан буюк ершунос ва инсоншунос олимнинг дил изҳори — хотира китобидир. Муаллифнинг эътирофига кўра, унинг ўз мутахассислигидан ташқари, севимли яна иккита машғулоти бор, булардан биринчиси — илмий-оммабоп асарлар ёзиш, ҳатто баъзан бадиий асарларга ҳам қўл уриш; иккинчиси — тарихий китобларни, айниқса, Туркистон тарихига оид ноёб китобларни топиб мутолаа қилиш ва улар ҳақида мулоҳаза юритиш. «Ҳаёт сабоқлари»нинг мароқ билан ўқилиши ва ўқувчи онгига кучли таъсир ўтказиб, уни кенг миқёсларда мушоҳада юритишга даъват қила олишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Муаллифнинг дунёқараши, инсонга, халққа, ватанга муносабати ўзбек адабиётининг ҳақиқий миллатпарвар ижодкорлари — Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирларнинг асарлари таъсирида шаклланганлиги ҳам таъкидга лойиқдир. Айтиш мумкинки, дунё ва тарих ҳақидаги тасаввурлари баён этилган саҳифаларда асарнинг маърифий мазмун-моҳияти янада теранлашган ва олим адиб, тарихчи қобилияти ўзига хос бир уйғунликка етишган. Бу ҳавас қилса арзигулик фазилат. Чунки аниқ фан соҳалари бўйича мутахассислашган олимларимиз орасида қалами ўз она тилида эркин ҳаракат қиладиган, ўз тарихимиз ва адабиётимиздан пухта хабардорлар, афсуски, кўпчиликни ташкил қилавермайди. Гап илм аҳлининг маънавий қиёфаси ҳақида кетаркан, асарнинг бағоят кучли таассуротлар уйғотувчи бобларидан бирини эсга олиш мақсадга мувофиқдир. У шундай сўзлар билан бошланади: «Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз ноёб кишилари, даҳосифат дарғалари бўлади. Бундай кишилар юз—икки юз йилда бир ёки икки марта дунёга келишади. Марҳум устозим Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев ана шундай улуғ алломалардан эди». Бу ҳақиқатни бугун барча тан олади. Лекин Ҳабиб Абдуллаевдек фан даҳосига ҳам ҳаёт унча шафқат кўрсатавермагани, бу буюк зотнинг узоқ умр кўра олмаганига туҳмат, иғво, ҳасаднинг ҳиссаси ҳам катта бўлганлигини ҳамма билавермайди. Шунинг учун Ҳабиб Абдуллаевга «қарши кураш энг юқори нуқтасига чиққан пайтда» содир бўлган бир воқеанинг ҳикоя қилиниши буюк алломанинг шижоатли шахсига ҳурмат-эҳтиромни кучайтиради.

О. Акрамхўжаевнинг эсдаликлари олимнинг болалиги ўтган ғаройиб ва гўзал Ғишткўприк қишлоғидан бошланиб, олис Швейтсария ва Мексика ҳудудларигача бориб етади. Лекин бу эсдаликларнинг асосий қисми муаллифнинг илмий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Уларда тоғу тошларнинг «гапириши» хусусида сўзланадими ёки муаллиф асосчиси ва раҳбар бўлган нефт ва газ геологияси Ўзбекистон мактабининг кашфиётлари, излаш-изланиш қийинчиликлари, шу йўлда фидойилик кўрсатган илм кишиларининг жасоратлари, қувонч-изтироблари баён этиладими — ҳамма-ҳаммаси бугунги куннинг долзарб муаммоларига, комил инсоннинг ахлоқ-одоби, таълим-тарбиясига, юрт ва фан истиқболи масалаларига қаратилган. Босиб ўтилган ҳаёт йўли ҳақида бу тарзда мушоҳада юритиш ва зарур хулосалар чиқара билиш муаллифнинг жуда катта интеллектуал салоҳиятини кўрсатиш билан бирга асарнинг ҳаммабоплиги ва замонавийлигини ҳам таъминлай олган. Зотан, муайян ёшга борган муаллиф турли воқеалар ва мураккаб кечинмаларга бой бўлган катта ҳаёт йўлини умумий шаклларда эмас, балки турмушда ўчмас из қолдирган воқеаларни, ҳаёт йўлларида дуч келган, ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмаклашган кишилар тўғрисидаги хотираларини баён қилиш орқали тарих ва жамият, табиат ва инсон, фан ва динга доир мушоҳада-мулоҳазаларини қоғозга туширишга интилган. Натижада бир олимнинг «шахсий» ҳаёт йўли тасвири Ўзбекистонда замонавий геология фанининг юзага келиши, шаклланиши, тараққиёт тарихига айланганки, китоб сабоқнома даражасига, мустақил Ватанимизни севишга, унинг манфаати йўлида эзгу ишларни амалга оширишга ундовчи асар даражасига кўтарилган.

Обид Акрамхўжаев табиатан донолик ва донишмандликни севадиган инсон. Шунинг учун муҳтарам академигимиз ҳарбир боб олдидан дунё мутафаккирларининг фалсафий фикрларини эпиграф сифатида тақдим этади. Шунинг учун бутун аср давомида фикр ва тафаккур, илм ва маърифатнинг кучқудратига алоҳида урғу бериб борилгандир.

«Ҳаёт сабоқлари» чинакам бурч ва виждон туйғуси ила ёзилган китоб. Унда сиз юртга, миллатга, ота-онага содиқлик ва дўстга, фарзандга, шогирдга вафодорликнинг аниқ ҳаракатлари, ибратли самараларини кўрасиз. Нечоғлик қийин ва машаққатли бўлмасин, ҳалол меҳнат эътиқодга қувват, виждонга фавқулодда файзу фароғат бағишлашидан огоҳ бўласиз.

«Сенинг бурчинг нимада? Бугунги кун нимани талаб қилса, шуни виждонан адо этишда», — деган экан улуғ Гёте. О. Акрамхўжаевнинг хотиралар китоби ҳам бугуннинг, яъни мустақиллик даври ва мафкураси талаблари эҳтиёжларидан туғилгандир. У қарамлик замонларидаги нуқсонлар, ижтимоий-сиёсий иллат ва камчиликларни тараққиёт тўсиқлари сифатида инкор этаркан, туб моҳиятда истиқлол ва мустақиллигимиз истиқболини ёқлайди. Шунинг учун ҳам уни оддий бир хотиралар мажмуаси тарзида баҳолаш мумкин эмас. Зеро, асарда катта ва ибратли умр йўлини босиб ўтган улкан Шахс — қалби маърифат нури билан мунаввар алломанинг ҳаёт ва турмуш, инсон ва Ватан, фан ва оламни билиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Унда чиндан ҳам сабоқ руҳи ҳоким, сабоқ мазмуни етакчилик қилади. Бу — академик мартабасига эришган, Ўзбекистоннинг дунёга танилган доно фарзандларидан бирининг ахлоқий, маърифий, фалсафий сабоқларидир.

**Раҳим БЕКЖОНОВ,**
**академик,**
**Тўра МИРЗАЕВ,**
**профессор**

# ТЕМУРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

*Болалик йилларимда ойим менга «Ўғлим, сенинг исмингни бувинглар ёзувчи, шоир бўлсин деб (Ҳусниддин Шариповдек) Ҳусниддин қўйганлар», дер эдилар. Албатта, мен бувимларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқардим деб мақтана олмайман. Лекин баъзида қўлимга қалам тутганимда онамнинг ўша гапларини эслаб, ҳайрон бўламан. Нима бу сеҳрми ёки бувимлар фолбин бўлганмикинлар...*

*Кўпчилик «Исм — бу инсон ҳаётининг кўзгуси» дейди. Қанчалик бу ҳақиқатга яқинлигини фақат ҳаётнинг ўзи кўрсатиши мумкин. Ахир бежиз айтишмаган-ку «Вақт — бу ягона ҳакам» деб.*

*Кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларига улуғ аждодларимиз исмларини қўядилар. Улар улғайгач, ўз аждодларидай улуғ инсонлар бўлиб етишсин деб. Бир аёл менга, «Мен ўз ўғлимнинг исмини Бобур қўйдим, Бобурдай шоир, одил, халқпарвар инсон бўлсин. Лекин иншооллоҳ ўз юртидан қувилмасин...», деган эди. Албатта, бундай қўрқув кераксиздир. Инсоннинг келажагини унинг исми эмас аввало ўзи белгилайди.*

*Мана бу йил Президентимизнинг қарори билан улуғ бобомиз Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан биз айрим Темур исмли кишилар билан суҳбатлашдик. Хўш, улар ҳаммаси ҳам бобомиздек саркардалик ҳислатларига эгами ёки йўқми, буни сиз қуйидаги суҳбатимиздан билиб оласиз. Биз уларга уч савол билан мурожаат қилдик. Улар қуйидагича:*

*1. Сизнинг исмингизни Темур қўйишганларида шубҳасиз бобомиз Амир Темурнинг шон-шуҳрати, миллатимизнинг фахри даражасига кўтарилгани асосий рол ўйнаган бўлса керак.*

*2. Сиз ана шу улуғ исмга ўзингизда қандай масъуллик сезасиз?*

*3. Мана бу йил Президентимиз фармони билан Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу тўёнага совға дейишга арзигулик қандай эзгу иш қилмоқчисиз?*

**Темурбек ТЎРАБОЕВ,**
**ёзувчи,**
**Наманган вилояти,**
**Чортоқ тумани**
**Пешкўрғон қишлоғида**
**яшайди**

1. — Турғунлик йилларида улуғ саркарда Амир Темурнинг номини сўкиниб, қалтираб тилга олишарди. Шафқатсиз сотсреализм исканжасидаги адабиётимизда энг улуғларимиз қатори Соҳибқирон Темурнинг ҳам рўйи сиёҳ этилганди. Исм қўйишга келсак, ҳамма вақт удумимизга риоя қилиниб келинган. Исм қўйишда қандайдир руҳ устивор бўлса керак.

2. — Исмимни яхши кўраман. Буни қарангки, мен ҳам 8 апрелда туғилган эканман. Буни Амир Темурга қандайдир боғлиқ деб даъво қилмоқчи эмасман. Лекин 1992 йил жиззахлик ошнамникига боргандим. Ошнам билан айланиб, Фориш туманидаги бир йиғинда ўтириб қолдик. Гапдан гап чиқиб Темур ҳақида озроқ нутқ ирод қилдим. Нутқим сўнгида исмимни, туғилган йил ва ойимни айтдим. Маълум бўлдики, анжуман раисининг ўғлини исми ҳам Темур бўлиб, у ҳам 8 апрелда туғилган экан. Исм қўйишда доим яхши ниятлар қилинади. Албатта, ҳар бир исм соҳиби ўзини, яъни исмини оқлаши керак.

3. — Ушбу тўёнага «совғаларим» арзийдими, арзимайдими, билмайман. Битта қисса ёзиб тугатдим. Яна «Афанди Бойқишлоқда» номли асар бошладим. Азиз мухлисларим, ватандошларим, қолаверса Темур руҳи олдида доимо қарздорман...

**Темур САЪДИНОВ,**
**ТДЮИ толиби**

1. — 70-йиллари отам Маҳмуд Саъдий «Гулистон» журналида ишлаб юрганида бир неча касбдош дўстлари — Абдулла Шер, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Маҳкам Маҳмудов ва бошқалар билан: «Ҳар биримиз, ҳеч бўлмаса, биттадан ўғлимизни офитсерлик билим юртида ўқитамиз, ўзбекдан ҳам офитсерлар кўп бўлиши керак, шулар мамлакатимизни озодликка чиқарадилар», — деб орзу қилишган экан. (Уларнинг мамлакатимиз истиқлолга тинчлик йўли билан эришишига кўзлари етмаган экан...) Мен туғилганимда шу ниятга кўра, ота-онам Соҳибқирон бобомиз ҳурматига исмимни Темур қўйишган. Эсимни танигач, билсам, адамлар бир ўғлимни ҳарбий қиламан, деб, 60-йиллардан бери Юлий Цезар, Ганнибал, Спитамен, Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Чингизхон, Султон Жалолиддин, Наполеон каби жаҳоннинг буюк саркардалари ҳақидаги китобларни йиғиб юрган эканлар. Бироқ собиқ совет армиясининг Афғонистонга босқинчилигидан кейин бу ниятларидан қайтиб, менда ҳарбий ишга ҳавас уйғотмаганлар.

2. — Соҳибқироннинг шиорларидан бири «Куч — адолатдадир» деган ҳикматли иборадир. Насиб этса, мен ҳуқуқшунос бўламан. Бинобарин, адолатли, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида изчил меҳнат қилишим керак. Темур бобомиз ўгитларидан яна бирида: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деганлар. Менинг ниятим ҳам дунёда кўп жафолар чеккан халқимнинг корига яраш.

3. — Исмимни кўпчилик «зиёлилар», коммунистлар Амир Темурни қоралаб юрган пайтида қўйишган. Бу менга ҳозирги давримизни, истиқлолимизни орзу қилиб қўйилгандек туюлади. Шундай экан, мен бу исмни шунчалик кўтариб юрмай, бу улуғ номга муносиб бўлишга, Темурдек Ватанни, халқни севиб, умримни буюк мақсадларга бағишлашга ҳаракат қиламан. Энди «совға»га келсак, менинг энг катта совғам ҳали олдинда. Қачонки мен ўз ўйлаб қўйган мақсадларимга эришсам, шундагина мен ҳам ўз исмимни оқлаган ва ҳам бобомиз учун энг яхши «совға» бахш этган бўламан...

**Темур ФАЙЗИЕВ,**
**ишбилармон, Бухоро**

1. — Аслини олганда, яъни менинг туғилиш давримга (1965 й). назар солсак, саволингиз ўринсиздек туюлиши мумкин. Бироқ исм менга бобомдан мерос эканига келсак, сўзингиз жонланади. Катта бобом Темурполвон ўз даврининг кураги ерга тегмаган йигитларидан бўлган экан. Бир мусобақадан сўнг унинг дўстлари овқатига оғу қўшиб «ухлатиб» қўйишган. Буёғи ўзингизга маълум. Ўшанда бобом (отамнинг отаси) энди беш ёшга кирган бола бўлган. У киши ўз отаси эришган ютуқлар тўғрисида онасидан эшитганларини отамга сўзлаб бераркан. Умри ўхшамасин, деб фарзандларининг исмини қўйишдан чекинган. Отам эса мени — энг кенжа ўғлини «бобо» деб чақиради ва илоҳим, умринг ва шуҳратинг исмингга мос зиёда бўлсин, деб дуо қилади.

2. — Исмимни ўзим ҳам яхши кўраман. Уйда ҳам, ўқиш, ишдаю, кўчада ҳам менга қаратилаётган эътиборни оқлаб, доим яхши, виждонли, мард инсон бўлиб қолгим келади.

3. — Айтиб ўтай, мен оддий ишчиман. Ҳозир фермерлик ҳаракатини бошламоқчи бўлиб турибман. Агар худо ол қулим, деб, ишларим юришиб кетса, шу йилми, ундан кейинроқми, ўз ҳалол маблағимдан қишлоғимизда шарқона бир иморат солдирмоқчиман. Соҳибқирон Амир Темур йилида ҳамма режаларимни кўнглимга тугиб, иш бошламоқчиман.

**Темур ДАВРОН, ўқувчи**

1. — Ҳа, сиз тўғри айтдингиз. Отам менга бу исмни кўп умидлар билан қўйганлар. Бу исмни олишимнинг сабаби собиқ СССР даврида бобомизнинг муборак номи қораланган эди, тилга олинмасди. Отам: «Сенга бу исмни қўйиб, ҳар куни буюк бобомиз руҳини шод этишни истаганман» — деганлари эсимда. Бу исм аввало Амир Темурнинг шон-шуҳрати, одиллиги ва миллатимизнинг фахри бўлгани учун ҳам қўйилгани менга болалигимдан уқтирилган.

2. — Мен бу исм туфайли ўзимда жуда катта масъулиятни сезаман. Бу улуғ бобомизга муносиб фарзанд бўлиш учун ҳамиша ҳаракат қилиш масъулиятидир. Ҳаммага маълумки, бобомиз Амир Темур юксак маънавият ва маърифат эгаси, илм-фан, адабиёт ҳомийси бўлган, у киши кўп тилларни билганлар. Мен ҳам шу сабабдан тил ўрганишни фарз деб биламан, жумладан: форс, инглиз, араб ва немис тилларини ўрганяпман. Бу тилларни ўрганишга мени отам ундадилар, ҳамиша кўмак бериб, рағбатлантирдилар. Шунинг учун отамга минг бора раҳмат, дейман.

3. — Мен Ўзбекистон Президентининг шу хусусдаги фармонларини эшитиб жуда ҳам қувониб кетдим. Энг аввало, мустақиллигимиз туфайли ҳам мана шундай эски қадриятларимиз, ўзбекона урф-одатларимиз тикланяпти ва улуғ аждодларимизнинг айёмлари ўтказиляпти. Ҳали литсей ўқувчиси бўлганлигим учун ҳам мен шу тўёнага қўшадиган ҳиссам: яхши ўқиш, тарихимизни, айниқса, Буюк Темур ва темурийлар тарихини яхшироқ ўрганиш ва кўпроқ тилларни ўзлаштириш бўлади деб ўйлайман. Яна бир улуғ бобомиз Алишер Навоий «Темурхон наслидин Султон Улуғбек» деб, соҳибқироннинг донишманд набираси Улуғбек Мирзони тилга оладилар, унинг Амир Темур наслидан эканлигини ҳурмат билан ёзиб ўтадилар. Ҳозирги ёшлар ҳам улуғ бобомиз Амир Темур наслидан эканликларини унутмасликлари керак. Биз — ёшлар улуғ бобомизнинг насиҳатларига амал қилиб, озодлик ва истиқлолга фидойи инсонлар бўлиб етишиб чиқишимиз керак. Келажакда Ватанимизни обод ва энг илғор мамлакатлар сафига қўшиш биз ёшларнинг вазифамиздир. Шу туфайли ҳамиша, Амир Темур бобомиз руҳини шод қилиб, Ватанимизнинг мавқеини кўтариш учун бугун нимаики зарур бўлса, ўшаларни пухта эгаллашга ҳаракат қилишимиз керак. Сўзимнинг охирида туғилган йилим отам менга бағишлаб ёзган шеъридан бир парча келтирмоқчиман:

### ЎҒЛИМ ТЕМУРГА

*Ўғлим, бу ер —*
*Бизнинг еримиз.*
*Ўзимизнинг еримиз.*
*Қўрқмасдан қадам ташла.*
*Ер жуда қаттиқ —*
*Боболарнинг қони қотирган уни,*
*Момоларнинг кўз ёши қотирган.*
*Ўғлим, бу ер —*
*Ўзимизники,*
*Ҳадиксирама, ишонгин отангга,*
*Ҳадеб қарайверма орқангга.*
*Йиқилсанг, кўтарар*
*Сени бу тупроқ.*
*Йиқилсанг, турмоқни ўрганасан,*
*Турмоқни ўрган, ўғлим.*
*Йиқилсанг, эмаклама,*
*Эмаклаганим етар, ўғлим.*
*Қад тиклашни ўрган,*
*Шунинг учун бизга берилган*
*Бу ер — бу Ватан.*

**Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ**
**тайёрлади**

# АНВАР ЭШОНОВ ХОТИРАСИ

Дўстим наврўзи олам кирганда дунёдан борди. Бир оламдан иккинчи оламга кўчди. Одамлар уларнинг бирини чин, иккинчисини ёлғон олам деб аташади. Лекин бу ҳар икки олам бир-бири билан чамбарчас туташиб кетган. Биз билсак ҳам, билмасак ҳам, ҳар икки оламда яшаймиз. Дунёнинг шодликлари, ғам-аламлари, ёруғлик ва қоронғуликларини бошимиздан кечириб яшарканмиз, бир зум бўлсин, иккинчи олам, иккинчи умримиздан фориғ ва холис бўлолмаймиз. Ўлим тирикликнинг йўлдошидир.

Тонг билан Анварнинг хабари келди. Кечагина қадрдоним билан кўришган, болаларнинг камолидан, умрнинг чархи шитоб билан айланаётганидан сўйлашган эдик.

— Одам эски қадрдонлар билан бафуржа, ҳеч ерга шошилмай узоқ гаплашиб ўтиргиси келади. Кўришиб турайлик, дўстим, — деган эди Анвар ўшанда хайрлаша туриб. Вақт эса доим зиқ. Доим биз одамлар унинг омонсиз исканжасидамиз. Кўришгимиз келади. Кўришолмаймиз. Дардлашгимиз келади. Дардлашолмаймиз. Фурсат тополмаймиз. Ҳолбуки дамлар ғанимат.

Қайғули хабарни эшитиб, эсладим. Анвар билан салқин, сўлим Калковуз бўйларида болалик чоғларимиз ўтириб қизил жоноқи олмаларнинг қалқиб-қалқиб оқиб келишларини томоша қилардик. Анвар Ғафур Ғуломнинг шеърлари ва насрини ҳаддан ортиқ севарди. Кўчаларда хиргойи қилиб тинимсиз такрорлаб юрарди. Ғафур Ғуломнинг бадиий сўзи, шеърларининг латиф оҳанглари унга мислсиз мўъжиза бўлиб туюларди. Ғафур Ғуломга ўхшатиб шеърлар, ҳикоялар ёзарди. Ғафур Ғулом сўзига муҳаббат уни шоир қилган эди. Анварнинг ўзи ҳам оҳанрабодай дилбар сўзлар топарди. Анвар кўп ёзиб ҳаммани безор қилмасди. Садаф ичида дур қанчалар узоқ ва оҳиста етилса, шеърий сўз ҳам Анварнинг қалбида шунчалар узоқ етиларди. Лекин дур бўлиб етилар ва ўқиганда, одамнинг дилига ёруғ шуълалар бағишларди.

Анвардан қанча феруза ранг, хушоҳанг шеърлар қолди. У ўзбекнинг қалбига хос энг марҳаматли туйғу-кечинмаларни катта жонсўзон нафас билан англатиш иқтидорига эга эди. У қутлуғ сўз шоири эди.

Анварни эсласам, Калковузнинг зумрад сувларида оқиб бораётган қизил жоноқли олмалар кўз ўнгимга келади.

Умр оқар сув.

Жоноқли олмалар оқиб боради...

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**«Фонон» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси 19-30 март кунлари ўзининг фирма дўконида заргарлик буюмлари савдо-сотиғини ўтказади.**

Сизнинг ихтиёрингизга:

*жаҳон стандартларида ишланган юқори сифатли тилла ва кумуш буюмлар, оригинал безаклар, ошхона жиҳозлари таклиф этилади.*
*Буларнинг ҳаммасини фақат биздан топасиз!*
*Кўринг ва ... сотиб олинг. Адашмайсиз.*

Фақат биз сизни янада гўзал қила оламиз.

«Фонон» фирма дўкони манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Олой бозори (усти ёпиқ павилон), 2-қават.

# БИЛГАЙ ЖАҲОН

*Бу азиз Турон ватан, озодлигин билгай жаҳон,*
*Тўғрига эргашса эл, халқ шодлигин билгай жаҳон.*
*Неча вақт Тошкент — Келес, Сағвон йўли нобоп эди,*
*Энди йўлдан шод элим, бунёдлигин билгай жаҳон.*
*Ўрганур эллардан эл, гоҳи гадодан подишоҳ.*
*Бир-бирига эл шогирд, устодлигин билгай жаҳон.*
*Ўзбегу қирғиз, қозоқ ҳам тожигу туркман эли,*
*Бу азал Турон замин авлодлигин билгай жаҳон.*
*Қайга борсанг, тан олурлар Ўзбекистон номини,*
*Олам ичра дўстлари беҳадлигин билгай жаҳон.*
*Ёвга ҳеч бўй бермаган Чўлпон бўлиб, Усмон бўлиб,*
*Мард бу юртлар эрларин шаддодлигин билгай жаҳон.*
*Тангридан доим тилар, Деҳқоний халқлар бирлигин,*
*Дўст аҳилликдан ҳаёт ободлигин билгай жаҳон.*

**Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ**

*Зарофат эшиги*

# ҚАЙТИБ ДУНЁГА КЕЛСАНГ

## МАРДЛИК

Мўғулистон билан Чин ўртасида бошланган уруш анча узоққа чўзилди. Охири Чин ҳарбий кучлари Чингизхон томонидан мағлубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб қоча бошлади. Чин зобитларидан бири мўғулларга асирга тушиб қолди. Уни Чингизхон ҳузурига олиб келдилар.

Чин зобити мўғул хони қаршисида одоб ва эҳтиром кўрсатиб таъзим қилиш ўрнига мардларча тик тураверди. Унга сарой аҳли ҳар қанча таъзим бажо айла деса, у бунга рози бўлмади. Шунда Чингизхоннинг фармонига биноан унинг бир қўлини елкасидан кесдилар, лекин Чин зобити таъзим қилмади. Иккинчи қўлини ҳам елкасидан кесдилар, бироқ у хон қаршисида ҳеч иккиланмай тик тураверди. Хонга таъзим этар деган умидда унинг бир оёғини кесдилар. Чин зобити йиқилди, аммо таъзим қилмади.

Шундай қилиб, у зобит мардларча тик туриб жон таслим қилди. Мўғул ҳарбийлари ҳурмат юзасидан қиличларини яланғочлаб унинг жасади атрофида қичқирдилар:

— Эй, буюк қаҳрамон ва мард йигит! Агар мабодо қайтиб бу дунёга келадиган бўлсанг, Мўғулистон заминида туғилгин ва бизнинг уруғимиздан бўлгин!

## ФАРОСАТ

«Нигористон» асарининг муаллифи Қози Аҳмад Қазвинийнинг ҳикоя қилишларича, Аҳмад бин Ҳасан Маймандий болалигидан Султон Маҳмуд хизматида бўлган ва у билан мактабда бирга ўқиган экан. Бир куни Султон Маҳмуд билан мактабдан чиққач бир боққа кириб, уёқбуёқдан суҳбат қурибди. Охири суҳбатлари мавзуси фаросатга келиб тақалибди. Шу пайт узоқдан бир киши кўринибди. Султон Маҳмуд ҳамсуҳбатига дебди:

— Жуда фаросатлиман деб мақтанасан, қани айт-чи, ҳў, ўша келаётган одамнинг исми нима, нима иш қилади ва бугун нима еган?

— Келаётган одамнинг исми Аҳмад, касби — нажжор, бугун асал еган, — дебди.

Султон Маҳмуд у кишини ҳузурига чорлаб ундан исми, касб-кори ва нима еганини сўрабди. Аҳмад Маймандийнинг айтгани тўғри чиқибди. Кишилар ҳайратланиб, Аҳмаддан сўрабдилар:

— Бу нарсалар сенга қандай аён бўлди?

У шундай жавоб берибди:

— Менга султон Аҳмад деб мурожаат қилганда, у сергакланиб қаради, шундан билдимки, Аҳмад. Боғлардаги дарахтларга узоқ ва суқланиб тикилди, шундан хулоса чиқардимки, касби нажжордир. Унинг лабига пашшалар ёпирилар эди ва у бир лаҳзада икки марта сув ичди, фаҳмладимки, эрталаб асал еган!

## ПАҲЛАВИЙ БОХАБАР ЭДИ

Паҳлавий Саъдобод йўлида машинада келаётиб мунқайиб қолган бир чолни кўриб қолади. Машинани тўхтатиб, уни миндиради ва манзилига элтиб қўяди-да, хайрлашиш олдидан чолга юз туман инъом этади. Чол узр айтиб юз туманни олмайди ва шоҳдан илтимос қилади:

— Бунинг эвазига амр этинг, шоҳим, менинг якка-ю ягона суянчиғим ва ёрдамчим — ўғлимни аскарликдан озод этсинлар.

Шунда шоҳ дебди:

— Мана шу юз туманни хотини талоқларга олиб бориб берсанг, ўғлингни аскарликдан озод қилади.

Паҳлавий шунча қудрат ва назоратга қарамай, давлат идораларида порахўрлик авжида эканлигидан бохабар эди.

## ТАҚДИР ЎЙИНИ

Бир киши Ҳорун-ар-Рашиднинг ҳисоб-китоб девонига йўлини топиб кирди. Бир дафтарни очиб қараса, унинг саҳифаларидан бирига қуйидагича ёзилган экан: «Жаъфар Бармакийнинг зарли чопони учун тўрт юз минг динор».

У киши дафтарни яна варақлади. Бошқа саҳифада бундай ёзув бор эди: «Жаъфар Бармакийнинг жасадини ёқиш учун бўйра сотиб олишга ўн қирот». Бу ёзув санасини солиштириб қараса, орадаги фарқ тўрт кун экан.

## АДОЛАТ

Ҳумс шаҳрининг ҳокими Умар бин Абдулазизга ёзиб маълум қилдиларки, шаҳарнинг девори вайрон бўлиб, нураб кетган. Бу борада не амр этасиз?

Халифа жавоб ёзди: «Ҳумс шаҳрида адолат деворини қуриб, йўлларини зулму ситамдан тозаласанг, ғишт, тош ва ганч деворларга эҳтиёж қолмайди».

## «МЕН КЕЛГУНЧА УРИНГ»

Қожор ва паҳлавийлар замонида ҳарбийлардан Жонмуҳаммад деган шафқатсиз ва золим генерал бўлган. Машҳур эрон шоири Маликушшуаро Баҳор ўзининг «Эрон сиёсий партияларининг қисқача тарихи» китобида у генералнинг жабру зулми ҳақида анча-мунча кўнгилсиз воқеаларни ёзиб қолдирган. Жумладан, шоир китобида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Жаноб генерал ҳақида ривоятлар жуда кўп: Бир куни бечора, бадбахт аскар генералнинг ғазабига учрайди. Генерал уни боғлаб қўйиб таёқ билан савалашни буюради. Шу лаҳзада уни телефонга чақириб қолади. У жазо нозири Сафар Алихонга «Мен қайтиб келгунча савалаб тур», деб буюради-да, ўзи кетади. Уни телефондан сўнг марказ билан алоқа боғлаш учун телеграфхонага чақиришади. У шошилинч у ёққа жўнайди. У ердан чиққач тушлик қилгани уйига боради. Шу пайт телефон жиринглайди.

Гўшакдан Сафар Алихоннинг овози эшитилади:

— Нима гап? Тинчликми? — сўрайди генерал.

— Буйруғингизга биноан аскарни савалаб ётибмиз. Энди қандай буйруқ берасиз? Уришни давом эттирайликми ёки бас қилайликми?

— Қайси аскар? — сўрайди генерал.

— Жаноб генерал, эрталаб ўзингиз мен келгунча савалаб тур, деб буюрган аскар-да. Қайтиб келмадингиз, биз буйруққа биноан ҳалигача уриб ётибмиз.

— Ҳозир аскарнинг аҳволи қалай? — сўрайди генерал шошилиб.

— Жаноб генерал, анча бўлди, у ўлди. Биз жасадни савалаб турибмиз, — жавоб беради Сафар Алихон.

— Бас қилинг, падар лаънатлар, — бақиради генерал.

## АВОМ

Ривоят қилишларича, Шайх Абдулҳусайн Нурий йўлдан ўтаётганларида бир деҳқоннинг эшаги ўлиб, устидаги юк сочилиб ётар, деҳқоннинг ўзи эса ҳўнг-ҳўнг йиғлаб турарди. Буни кўрган Нурий эшакнинг яқинига келиб, оёғини учи билан туртиб:

— Тур жойингдан, бу ухлайдиган жой эмас-ку! — деди.

Шу заҳоти эшак ўрнидан туриб кетди. Деҳқон эса хушҳол бўлиб юкини ортди-да йўлига равона бўлди. Бу кароматнинг шоҳиди бўлган шаҳар аҳолиси ҳар томондан йиғилиб, шайхнинг қўлини ўпар, этагини кўзига суртар ва орқасидан қолмай унга эргашарди.

Бу ғавғо ва издиҳомни кўрган Шайх бир баққол дўконига кирди-да, худди бебош кишилардек, мева-чеваларидан еб баққол билан ҳазиллаша кетди. Бу ҳолни кўрган халқ, шайхни ақлдан озган гумон қилиб, ундан узоқлаша бошлади. Хуллас, халқ тарқалиб кетди. Шайх ўзи билан бирга бўлган муридига деди:

— Авомнинг аҳволи шу. Бир ишора билан атрофингда гиргиттон бўлади, аҳволинг сал чатоқлашса, сендан қочади.

**Форсчадан Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ таржимаси**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0161.
5877 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ

1 2 3 4 5 6